БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 70

16 МАЙ ЯКШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозида хизмат қилаётган универсалчи-тракторчиларнинг чақириғи тўғрисида (1-нчи бет).

Ўртасарой районидаги 1-МТС 4-нчи трактор бригадаси а'золарининг республикадаги ҳамма тракторчиларга мактуби (1-нчи бет).

Бахтли ҳаётимизни ва завқли меҳнатимизни куйлаймиз! М. Ашрафий. — Халқимизга муносиб қўшиқлар яратайлик (2-нчи бет).

Й. Акбаров. — Хор маданиятини юксалтиришга кўпроқ э'тибор берайлик (2-нчи бет).

Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисида Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгашида 1954 йил 14 майда В. М. Молотов баёноти (3-нчи бет).

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши (4-нчи бет).

Жаҳон шахмат мусобақасининг якунлари (4-нчи бет).

Тошкентда (4-нчи бет).

Халқ талантларининг ижодий кўриги

Бугун Ашула байрами куни. Тинч ижодий меҳнат қилаётган, коммунизм қураётган халқимиз ўз бахтини, фаровон ҳаётини, жонажон Ватанга, коммунистик партияга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқатини куйлайди. Халқимизнинг тинчликка бўлган интилишлари, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг сиёсатига содиқ эканликлари уларнинг қувноқ қўшиқларида — юрак садоларида ўз ифодасини топгандир! Халқ моддий фаровонлиги, бахти-саодати тўғрисида тинмай меҳрибонлик қилаётган, замонамизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони Коммунистик партияга бўлган буюк ишонч ва садоқат қўшиқларимизда янада қудратли янграйди!

Бугун пойтахтимизнинг «Динамо» стадионида 7 минг кишидан иборат умумшаҳар терма хор группа қатнашчиларининг қувноқ қўшиқлари пойтахт бўйлаб, жонажон диёр бўйлаб янграйди. Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг коллективлари, минг-минглаб талантлар — ашулачилар, музикачилар ва ўйинчилар омма олдида ўз ижодий мураффақиятларини, бадиий маҳоратларини намойиш қиладилар.

Ҳар йили ўтказилаётган ва халқимизнинг традицион тантанаси кунига айланган Ашула байрами совет кишиларининг маданияти, сан'ат ва адабиёти тўхтовсиз барқ урриб яшнаётганлигидан, меҳнаткаш омма орасидан кўплаб янги талантлар етишиб чиқаётганлигидан далолат беради.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимизнинг моддий-маданий фаровонлигини янада ошириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар, халқ талантларини тарбиялаб, уларнинг ижодий юксалиши ва бадиий қобилиятининг кенг равнож топиши ҳамда юзага чиқиши учун катта имкониятлар яратиб бермоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг халқ фаровонлиги ва маданий юксалиш ҳақидаги чексиз меҳрибонликлари туфайли кенг меҳнаткашлар оммасининг сан'ат ва адабиётга бўлган қизиқиши тобора ошиб бормоқда. Меҳнаткашлар янги асарларни ва сан'ат янгиликларини зўр қизиқиш блан қутиб олмоқдалар, ёзувчиларимиз ва композиторларимизнинг ижодий мураффақиятларини қунт блан ўрганиб бормоқдалар. Уларнинг асарларидан та'лим олиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида янги зафарларга эришиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Улуғ доҳимиз Владимир Ильич сан'ат халқ учундир, деб айтган эди. В. И. Ленининг бу сўзи илғор Совет сан'ати ва адабиётининг меҳнаткашлар манфаати учун, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун хизмат қилишини та'киднлайди. Бизнинг композиторларимиз ва ёзувчиларимиз тарихнинг ҳақиқий ижодчиси бўлган бахтиёр халқимиз ҳақида асарлар яратишлари лозим. Халқимиз замонавий темадаги асарларнинг кўпроқ яратилишини истайди. Меҳнаткашлар сан'ат асарларини юксак ғоявийлиги, ҳаққонийлиги, бадиий қуввати блан баҳолайдилар. Ашула байрамларида, бадиий кечаларда айтилаётган ашулалар композиторлар ижоди учун катта синовдир. Ватанпарвар, ижодкор халқимиз учун янги сан'ат асарларини яратиш, оммавий қўшиқлар жанрини ривожлантириш — ёзувчи ва композиторларимизнинг муқаддас бурчидир.

Саноат корхоналарида, қўқув юртларида, қишлоқ жойларида, маданият саройлари, маданият уйлари, клублар, кинотеатрлар йилдан-йил кўпайиб бормоқда. Сан'ат, адабиёт ва маданий-оқартув ишлари учун катта маблағлар ажратилмоқда.

Шунинг блан бирга халқимизнинг талаблари ҳам ўсмоқда. Биз кундан-кун улғаймоқдамиз. Мамлакатимиз қиёфасидаги юз бераётган ўзгаришлар блан бирга бизнинг ўзимиз ҳам ўсмоқдамиз. Шунинг учун ҳам бадиий ҳаваскорлик тўгаракларини янада кўпайтириш, уларнинг ишини яхшилаш, халқимиз талаблари даражасига кўтариш муҳим вазифалардан биридир.

Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг ҳузурида хор, музика ва хореография коллективлари тузилмоқда. Бу коллективларга ишчилар, хизматчилар, қўқучилар, пахтакорлар, механизаторлар ва бошқа ҳар турли касбдаги, турли ёшдаги кишилар жалб этилмоқда. Биргина бизнинг областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида тузилган 550 бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида 10 мингдан ортиқ киши қатнашмоқда. Областимиз мактабларида та'лим олаётган 100 мингдан ортиқ ўқучи янги қўшиқларни қунт блан ўрганиб, ўзларининг ижрочилик қобилиятларини тобора ошириб бормоқдалар.

Халқимиз музикани ва янги қўшиқларни севади. Чунки музика ва қўшиқ ҳаётни қуришда, яшашда, янги меҳнат зафарларини қўлга киритишда халқимизга катта ёрдам беради. Машҳур совет композиторлари Новиков, Захаров, Дунаевский, Мокроусов, Соловьев-Седой, Шестакович, шунингдек ўзбек совет композиторлари М. Ашрафий, М. Бурхонов, С. Юдаков, М. Левиев, Х. Изомов ва бошқа сан'аткорларимизнинг ёқимли ашулалари халқимиз томонидан севилиб айтилмоқда.

Совет композиторлари, шунингдек ўзбек композиторларининг янги асарларини, оммавий қўшиқларини, ёқимли мелодияларини оммалаштиришда бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг роли каттадир. Ашула байрами — композиторларимиз томонидан яратилган энг яхши ашулаларни ўрганишда ва уларни пропаганда қилишда энг катта ижодий кўриқдир. Шунинг учун республикамизда ҳар йили ўтказилаётган Ашула байрами халқ ижодининг, бадиий ҳаваскорлик сан'атининг ёрқин намойиши бўлиб қолди.

Ўтган йили ўтказилган биринчи Ашула байрамида областимиздаги бирқанча ҳаваскорлик тўгараклари ўзларининг ижодий талантларидан ҳисоб бериб, катта муваффақиятларга эришдилар. Ашула байрамида Тошкент темирйўлчилар Маданият саройи, Ўрта Осиё политехника институти, Чирчиқ «Средазхиммаш» заводи, Октябрь районидаги Каганович номли колхоз ва бошқа ташкилотларнинг бадиий ҳаваскорлари актуал темалардаги репертуарлари ва яхши ижрочилик қобилиятлари блан юксак баҳо олдилар.

Бу йил Ашула байрамига тайёргарлик олиб борган ҳаваскорлик тўгаракларининг сони ўтган йилдагига нисбатан 200 дан ортиқдир. Бу йил Чирчиқ, Оҳангарон, Гулистон, Верхне-волинск ва бошқа шаҳар ҳамда районларда янги ҳаваскорлик тўгараклари тузилди, тўгаракларда қатнашучиларнинг сони анча кўпайди. Бу йил Ашула байрамига пухта тайёргарлик олиб бориш учун область, шаҳар ва районларга сан'ат ходимларидан 16 киши юборилди. Партия, Совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари Ашула байрамига тайёргарлик кўришда байрам комиссияларига ва хор тўгаракларига яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

Областимизнинг бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида бу йилги Ашула байрами учун янги репертуарлар тайёрланди. Тўгарак қатнашчилари «Совет Иттифоқи Гимни», «Дўстлик Гимни», «Ўзбекистон ССР Давлат Гимни», «Партия — етакчимиз», «Демократик ёшлар Гимни», «Қаҳрамон қизлар» каби оммавий совет қўшиқларини қунт блан ўргандилар. Шунинг блан бирга ҳаваскорлар ўзбек, рус, украин ва бошқа қардош халқлар музикаси, рақси ҳамда ашулаларини байрам кунларида ижро этиш учун тайёрладилар. Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ашула байрамига зўр иштиёқ ва ҳамжиҳатлик блан тайёргарлик олиб борганликлари, уларнинг сан'ат ва адабиётимизга бўлган чексиз муҳаббатларини, халқ талантларининг битмас-туганмас ижодий қобилиятга эга экانликларини кўрсатучи ёрқин далилдир.

Ашула байрамига тайёрланишда юқоридаги муваффақиятлар блан бирга бирмунча жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Мирзачўл, Паркент, Пискент, Бўка ва бошқа районларда Ашула байрамига пухта тайёргарлик олиб борилмади. Бу районларда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мустаҳкамлаш, тўгарак қатнашчиларини кўпайтириш ва уларга раҳбарликни кучайтиришга жиддий э'тибор берилмади. Шунингдек айрим шаҳар корхоналари ва ўқув юртларидаги ҳаваскорлик тўгараклари ҳам янги ашулаларни пухта ўрганиш ва ўз репертуарларини янги асарлар блан бойитиш учун ижодий ташаббус кўрсатмадилар.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари репертуар программаларида замонавий темалардаги асарлар оз. Бунга биринчи навбатда Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзи ва Ўзбекистон композиторлар союзи айблидир. Чунки ёзувчилар ва композиторларимиз оммавий ашулаларни, кичик саҳна асарларини, ўйин-рақс музикаларини кўпроқ яратиш устида жиддий ижодий иш олиб бормоқдалар.

Областимизнинг шаҳар, район, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, шунингдек ижодий ташкилотлар Ашула байрамига тайёргарлик кўришда эришилган мураффақиятларни мустаҳкамлаб, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишини янада яхшилаш учун конкрет тадбирлар белгилашлари лозим. Ашула байрамига тайёргарлик кўриш даврида ташкил этилган ҳаваскорлик тўгаракларини сақлаб қолиш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, хор, музика, хореография коллективларини янги репертуарлар блан та'минлаб, халқ талантларининг ижодий ишларига доимий ёрдам кўрсатиб бориш зарур.

Халқ талантларини, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ижодий фаолиятларини партия XIX с'езди томонидан сан'ат ва адабиёт ходимлари олдига қўйилган талаблар даражасига кўтарайлик.

Бугун пойтахтимизда ва республикамизнинг барча область ва шаҳарларида ўтказилаётган Ашула байрамлари ватанпарвар, ижодкор халқимизни социалистик маданиятимизни янада гуллаб-яшнаши учун янги ижодий зафарларга бошлайди, уларнинг коммунистик жамият қуриш ишида ғайрат ва ташаббусини оширади. Бугун қаҳрамон халқимиз Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий қилаётган меҳрибонлиги туфайли ўз бахти ва фаровон ҳаётини куйлайди.

РСФСР Олий Советининг Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган юбилей сессиясига қатнашадиган Ўзбекистон ССР делегацияси

Ўзбекистон ССР ҳукумати ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети РСФСР Олий Совети Президиуми ва РСФСР Министрлар Советининг таклифига мувофиқ Россия Совет Федератив Социалистик республикаси Олий Советининг Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган ва 1954 йил 27 майда Москвада бўладиган юбилей сессиясида қатнашиш учун Ўзбекистон ССР делегациясини юборадилар.

Ўзбекистон ССР делегацияси составида: Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Муҳитдинов (делегация раҳбари), Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов, Ўзбекистон узумчилик илмий текшириш институтининг консультанти, Сталин мукофоти лауреати Р. Мусамуҳамедов, Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводининг бош инженери, Сталин мукофоти лауреати, Г. А. Винокуров, Ўзбекистон совет ёзувчилари союзининг а'зоси, «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг редактори З. Исроилова (Зулфия), Навоий номидаги ўзбек опера ва балет театрининг солистқаси, Сталин мукофоти лауреати, Г. Измайлова, Фарғона область, Охунбобоев районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси М. Маликов бор.

(ЎзТАГ).

Ўртасарой районидаги „Полярная звезда“ колхозида хизмат қилаётган универсалчи-тракторчиларнинг чақириғи тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Ўртасарой районидаги МТСнинг «Полярная звезда» колхозида хизмат қилаётган тракторчи-универсалчиларнинг ҳарбир чопиқ агрегати блан бир августгача 1000 гектар ердаги ғўзани а'ло сифатли ишлаш ва ҳарбир ишни қисқа муддатда ўтказиш юзасидан республика мусобақасини кучайтириб юбориш тўғрисидаги ташаббусини ма'қуллади. Пахта майдони 100 гектарга яқин бўлган ҳарбир далачилик бригадасига бириктирилган тракторчилар, трактор ишларини колхозчиларнинг ғўзани парвариш қилиш ишлари блан маҳкам боғлаб олиб бориш ва улар блан биргаликда пахтадан юқори ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишини та'минлашни ўз устларига олдилар.

Область партия комитетларининг секретарьларига 17-18 майда райкомларнинг МТС зоналари бўйича секретарьлари ва МТС бошланғич партия ташкилотлари секретарьларининг кустовой кенгашини ўтказиш, бунда универсальчилар — 1000 гектарчиларнинг социалистик мусобақасини ташкил этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш топширилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети район партия комитетларига Ўртасарой МТСи тракторчи-универсалчиларининг чақириғини муҳокама қилиш учун 20 майгача ҳарбир МТСда тракторчи-универсальчиларнинг йиғилишини ўтказиш ва 1 августга қадар ҳарбир агрегат блан 1000 гектар ерни ишлаш юзасидан тракторчиларнинг социалистик мусобақасини ташкил этиш мажбуриятини юклади.

Райкомларнинг МТС зоналари бўйича секретарьларига ҳарбир тракторчининг социалистик мажбуриятини бажаришини системали равишда ҳисобга олиб бориш ва мусобақа натижаларини газеталар, «жанговар варақа»лар, ҳурмат тахталари ва бошқалар орқали кенг ёритиб бориш топширилди.

Республика, область ва район газеталарига 1000 гектарчи тракторчиларнинг социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганини кенг ёритиб бориш вазифаси топширилди.

ҲАРБИР „УНИВЕРСАЛ“ БЛАН 1000 ГЕКТАР ЕРДАГИ ҒЎЗАНИ А'ЛО СИФАТЛИ ИШЛАЙМИЗ!

Тошкент область Ўртасарой районидаги 1-нчи МТС тўртинчи трактор бригадаси а'золарининг республикадаги ҳамма тракторчиларга

МАКТУБИ

Қадрли ўртоқлар! Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, бутун совет халқи КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва февраль-март Пленумлари қарорларида Совет Иттифоқи қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида чизиб берилган жуда катта планларни бажариш йўлида зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон пахтакорлари олдига фаҳрли вазифани — ҳосилни ошириш ва янги ерларни очиб, пахтазорларга айлантириш ҳисобига пахта етиштиришни кескин равишда кўпайтириш вазифасини қўйдилар.

Республикамиздаги пахтакорларнинг ва барча меҳнаткашларнинг бу йилги асосий вазифаси — мамлакатга камида уч миллион тонна пахта беришдан иборатдир. Бу вазифани ҳал қилишда машина-трактор станциялари, қишлоқ хўжалиги механизаторлари — сизлар блан биз етакчи роль ўйнашимиз лозим.

Бу йил чигит экиш кечикди. Чигитнинг униб чиқиши, ғўзани яганалаш ва ишлаш кейинда қолмоқда, лекин колхозлар ва совхозлар ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиб, ғўзаларни тез етилтириб олиш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар. Ғўзани яганалашни тезроқ тамомлаб, қатор ораларини биринчи ишлашни ва ғўзани озиқлантиришни, уничг биринчи ва кейинги парваришларини ўз вақтида ўтказишни та'минлаб, пахтадан мўл ҳосил олиш ва уни эртароқ етилтириш чораларини кўриш керак.

Давлат бизнинг қўлимизга жуда кучли техникани бериб қўйинти. Олдимизда турган вазифани уддалаш учун бизда етарли миқдорда чопиқ тракторлари ва керакли машиналар бор.

Биз ғўза парваришини қисқа, агротехника жиҳатдан энг яхши муддатларда ўтказиш ва бунда ишни а'ло сифатли қилиб бажариш, ҳарбир универсал блан 1 августгача 1000 гектар ердаги ғўзани ишлаб бериш учун ўзаро мусобақа бошлаб юбордик.

Ўтган йил бизнинг бригадамиз Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозининг 2-нчи участкасидаги далачилик бригадалари блан яқин ҳамкорликда ишлаб, пахта ҳосилини оширишни та'минладик. Пахта ҳосилини ошириш юзасидан берилган пландаги топшириққа қараганда ҳар гектардан 2.2 центнер миқдорида кўп ҳосил олинди. Бу йил биз ўрта ҳисоб блан ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни ўтган йилдагига қараганда 6 центнер миқдорида ошириш учун курашмоқдамиз.

Бизнинг бригадамиз ва Ўртасарой районидаги 1-нчи МТСининг яна икки трактор бригадаси «Полярная звезда» колхозида ишлайди. Бу колхоз Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидатдир. Биз колхозчилар блан биргаликда бу йил пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишни ва шу блан келгуси йилда ҳам виставкада қатнашиш ҳуқуқига эришишни ўзимизнинг шарафли ишимиз деб биламиз.

Трактордан тўлароқ фойдаланиш учун икки смена бўлиб ишлашга ғўзани, парвариш қилишга бригадамиздаги ҳайдов машиналарида ишловчи тракторчиларни ҳам тортишга қарор қилдик.

Бизнинг бригадамиздаги 3 та ҳайдов трактори икки смена бўлиб ишлаш учун тракторчилар блан етарли та'минланган. Бу эса бригадамиздаги 5 та «Универсал»нинг ҳарқайсисини икки смена тракторчи блан та'минлашга имкон беради. Ҳайдов тракторининг тракторчиси ўртоқ Исроилов ўртоқ Зокиров блан, ўртоқ Гриценко ўртоқ Бўтабоев блан, ўртоқ Ўмаров ўртоқ Тошбоев блан, ўртоқ Ли Анатолий ўртоқ Тошматов блан ва ўртоқ Сафаров ўртоқ Умурзоқов блан смена олмошиб ишлайдилар. Бизда иш куни эрталаб соат 5 дан бошланади. Кундуз соат бирда смена олмошинади, смена олмошиш вақтида иккала тракторчи тракторни техник қароводан ўтказадилар. Шундан кейин иш кечқурун соат 9 гача давом этади.

Шундай қилиб, агар ўтган йил универсал тракторлар туш пайтида, тракторчилар дам олган маҳалда 2—3 соат, ба'зан эса 4 соатгача бекор туриб қолган бўлса, бу йил бекор туриб қолмайди.

Ишни юқори сифатли бажариш биз учун қонундир. Культиваторнинг бутун иши органларини тўла равишда ишга солиб культивация қиламиз. Шунда 70 сантиметрли қатор оралари энг ками 40-45 сантиметр кенгликда, 60 сантиметрли қатор оралари эса камида 30—35 сантиметр кенгликда ишланади. Шу блан бирга, культивация вақтида қатор ораларининг ўртаси 14—15 сантиметр, четлари эса 10 сантиметр чуқурликда юмшатилади.

Биз хизмат кўрсатаётган далачилик бригадаларида ғўзаларни машина блан ва қўл блан яганалаш ҳамда ғўзанинг биринчи парвариши тамомланди. Ғўзани биринчи озиқлантиришни 25 майгача, иккинчи парваришни, 3 июньгача тамомлаймиз. Бу ишларни бажармоқ учун биз хизмат қилаётган далачилик бригадалари ҳам ғўзани ўз вақтида чопиқдан чиқариш, графикка мувофиқ ўз вақтида сугориш муддатларига қаттиқ риоя қилишлари лозим.

«Универсал» тракторларни ма'лум далачилик бригадаларига биркитиб қўйиш йўли блан трактор бригадаси ва далачилик бригадасининг аҳил ва иноқ бўлиб ишлаши, ғўза парваришида эгасизликни тугатиш та'минланади. Масалан, 73-нчи чопиқ агрегати (старший тракторчи М. Зокиров) 11-нчи далачилик бригадасига биркитиб қўйилган. Тракторчилар далачилик бригадаси блан биргаликда ҳарбир гектардан 30 центнердан пахта олиш учун курашмоқдалар. 64-нич агрегат (старший тракторчи Й. Тошбоев) 12-нчи бригадага бириктириб қўйилган. Бу бригадада ҳарбир гектар ердан 29 центнердан ҳосил олиш учун мусобақа кучайтириб юборилди. 101-нчи агрегат (старший тракторчи Ўртоқ Х. Тошматов) 6-нчи ва 7-нчи далачилик бригадаларига хизмат кўрсатмоқда. Тракторчилар шу бригадаларнинг а'золари блан маслаҳатлашиб, ҳарбир гектар ердан 31 центнердан пахта етиштириш ва давлатга топшириш мажбуриятини олдилар.

Универсалчилар ўз агрегатларн биркитиб қўйилган далачилик бригадалари блан битта график асосида ишлайдилар. Бунда суғориш, культивация қилиш ва чопиқ ўртасида узилиш бўлишига йўл қўйилмайди, тракторларнинг бир ердан иккинчи ерга бекорга ўтишини йўқотишга, ғўзани яхши сифатли қилиб парвариш қилишга имкон беради.

Бизда шундай бир тартиб бор: далачилик бригадасининг бошлиғи ҳар куни универсалчиларнинг ишини қабул қилиб олади. Бизнинг ҳарқайсимиз ўзимиз хизмат кўрсатаётган бригадада пахтадан мўл ҳосил олинишидан манфаатдормиз, чунки шу бригаданинг ғўзасини ўзимиз парвариш қилиш блан бирга пахтасини ҳам машина блан ўзимиз териб берамиз. Шу сабабли ишда брак бўлишига йўл қўймаймиз. Биз трактор ишлари планини бажариш учунгина курашиб қолмасдан, балки ҳосилни ошириш планини бажариш учун ҳам, ғўза қатор ораларини а'ло даражада ишлаб, белгиланган кенгликда ва чуқурликда культивация қилиб, ғўза чопиғида ишлайдиган колхозчиларнинг меҳнатини осонлаштириш ва ишини баракали қилиш учун ҳам курашмоқдамиз.

Ротацион мотига секциялари бўлган НКУ — 2.8 маркали янги культиватор, КДР мосламаси ўрнатилган ва грядильлари яхши мустаҳкамланган КД маркали культиватор ғўзанинг дастлабки икки парваришида қатор оралариди тупроқнигина эмас, шу блан бирга қаторларни ҳам юмшатиб кетишга, шунингдек то охирги культивация вақтигача қатор ораларини бирхилдаги кенгликда культивация қилиб боришга имкон беради. Бунинг натижасида ғўза парваришидаги муддатларини камайтириш, демак ғўзани тезроқ ва яхшироқ ривожлантириб етилтириш имконияти туғилади.

Биз ҳам далачилик бригадаларида суғоришни тўғри ташкил қилишнинг тракторлар учун ёнилги ва сувни ўз вақтида етказиб бериб туришларини, минерал ўғит ҳам ўз вақтида келтириб берилишини талаб қиламиз. Шу шартлар бажарилганда, тракторлар бекор туриб қолмайди.

Ғўза қатор ораларини бўйига ва кўндалангига ишлаш пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашда жуда катта роль ўйнайди. Биз ишлаётган колхозда 150 гектар ердаги чигит, ерни 60х60 сантиметр схемада ишлаш учун мослаб экилган ва ғўза шу тарика парвариш қилинмоқда. Шу участкаларга хизмат кўрсатаётган тракторчи Нам Син Ман ва Хгай Николай ўз смендошлари блан ҳарбир чопиқ агрегатида 1000 гектардан ғўзани парвариш қилишга, шу жумладан 300 гектар ердаги ғўза каторораларини кўндалангига ишлашга сўз бердилар.

Бу йил ғўзани машина блан парвариш қилиш даражаси анча ошиши ва бунинг натижасида қўл меҳнатини сарфлаш камайиши туфайли колхоз ғўза тупларини ростлаш ва чопиқ қилиш учун белгиланган иш нормаларини қайтадан кўриб чиқди.

Чопиқ агрегатларининг тўхтовсиз ва юқори сифатли ишлаши уларнинг техник ҳолатига боғлиқдир. Бизнинг бригадамизда техник қаровни ўз вақтида ва белгиланган қоидага мувофиқ ўтказишга қаттиқ риоя қилинади. МТС № 3, № 4 техник қаровни ўтказиш учун 3 та трактор бригадасига битта кўчма автомастерской биркитиб қўйди. Биз машиналарни яхши қараб турганлигимиз сабабли тракторларнинг техник нуқсонлари орқасида бекор туриб қолишига йўл қўймаймиз, уларнинг бир ремонтдан иккинчи ремонтгача ишлаш муддатини узайтирмоқдамиз ҳамда ремонт вақтида маблағларни тежашга ва ёнилгини тежаб сарфлашга эришмоқдамиз. Бригадамиздаги ҳарбир тракторчи бу йил қатор ораларини ишлашда 5 процент ёнилги тежашга сўз берди.

Колхоз правленнеси механизаторлар учун яхши маданий-маиший шароит яратиб берган. Биз ҳар куни уч марта иссиқ овқат блан та'минланганмиз, дам олишимиз учун дала шийпони ташкил қилинган, унда газеталар, журналлар, радио бор. Агитаторлар бизни мамлакатимиздаги ва четэллардаги воқиалар блан таништириб турадилар, бошқа бригадалар ва МТСлардаги илғор тракторчиларнинг тажрибаларини гапириб берадилар.

Мана шуларнинг ҳаммаси бизнинг яхшироқ ишлашимизга, ўз мажбуриятларимизни тўла ва ошириб бажаришимизга ёрдам бермоқда.

Биз ҳарбир «Универсал» блан 1000 гектар ердаги ғўзани а'ло сифатли парвариш қилишга ва чопиқ трактори блан бажариладиган ҳамма ишларни энг яхши муддатларда ўтказишга сўз берганмиз. Биз мана шу сўзимизнинг устидан албатта чиқамиз.

Республикамиздаги ҳамма МТС ва колхозлардаги тракторчи ўртоқлар! Сиз қимматли ўртоқларни ишни а'ло сифатли бажариш учун, ғўза парваришини қисқа, энг яхши агротехника муддатларида ўтказиш учун, мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақани кучайтиришга чақирамиз.

Ўртасарой районидаги 1-нчи МТС 4-нчи трактор бригадасининг бошлиғи Азим **ЭРМАТОВ**, бригадир ёрдамчиси Лян Ен-сек, тракторчилар — Маматхолиқ **ЗОКИРОВ**, Ҳидой **ТОШМАТОВ**, Иброҳим **ТОШБОЕВ**, Эргаш **БЎТАБОЕВ**, Тошканбой **УМУРЗОҚОВ**.

Партия маорифи системасида ўқув йилини муваффақият блан тугаллайлик

Партия маорифи системасида ўқув йили тугамоқда. Ҳамма жойдаги сиёсий мактабларда, тўгаракларда, кечки партия мактабларида ва марксизм-ленинизм университетларида биринчи июньда машғулотлар тўхтайди.

Партия ташкилотлари партия маорифи ишини ташкил қилишдаги камчиликларни тугатиш соҳасида бирмунча иш қилдилар. Кўп жойларда ихтиёрийлик принципига риоя қилинмай тузилган тўгараклар ва мактабларнинг составн қайтадан кўриб чиқилди. Марксизм-ленинизм назариясини ўрганишда догматизм ва қироатхонлик кўринишларига қарши кураш қучайтирилди. Партия ташкилотлари пропагандани практикага яқинлаштириш, уни коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилишга қаратиш чораларини кўрдилар.

Броқ, шу нарсани айтиб ўтиш керакки, партия пропагандасида жиддий камчиликлар бор. Коммунистларнинг марксизм-ленинизмни ўрганишлари, ва ўқишларига раҳбарлик қилишдаги бюрократларча-расмиятчилик методлари ҳали ҳам тўла тугатилгани йўқ. Масалан, Воронеж областининг Эртильский районида «ҳаммани ўқишга тортишга» берилиб кетиб, тўгарак ва сиёсий мактабларнинг программаси ҳажмида билими бўлган коммунистларни ҳам шу тўгараклларга ва сиёсий мактабларга ёзиб қўйганлар. Қозогистон ССРнинг Павлодар районидаги Тельман номли колхоз партия ташкилоти сиртқи олий ўқув юртларида ўқиётган кишиларнинг розилигини сўрамай, уларни партия тарихини ўрганиш тўгарагига ёзиб қўйган.

Партия ташкилотлари етарлик э'тибор бермаётганлиги сабабли кўпгина тўгараклларда ва мактабларда машғулотлар ғоявий-назарий жиҳатдан паст савияда ўтказилмоқда. Бирқанча партия ташкилотларида партия маорифига раҳбарлик қилиш кўпинча ишнинг ташкилий томони блан шуғулланишдан иборат бўлиб қолмоқда, партия маорифига ихтиёрийлик принципи пропагаданинг сифатини ошириш масаласини жуда ўткир қўяётганлиги ҳисобга олинмаётир.

Коммунистларнинг мустақил ўқишини ташкил қилишда айниқса катта камчиликлар бор. Ба'зи партия ташкилотлари ихтиёрийлик принципини нотўғри тушуниб, коммунистларнинг марксча-ленинча ўқувини ўзинбўларчиликка ташлаб қўйдилар. «За новий Север» газетасининг Сафаров берішича, Коми АССРнинг Прилузский районида партия райкоми сиёсий ўқувга етарлик аҳамият бермаётган, лиги сабабли партия, совет ва хўжалик раҳбар ходимларнинг катта қисми марксизм-ленинизм соҳасидаги ўз билимларини ошириш устида ишламаётир, саноат корхоналарининг, колхозлар ва МТСларнинг экономикасини ўрганмаётир. Ўқиш йилининг бошида партия активлари учун ташкил қилинган семинарлар ишламаётир. Партия маорифи системасидаги кўпгина лекциялар ва машғулотлар район олдида турган конкрет вазифалардан ажратилган ҳолда, паст савияда ўтказилмоқда.

Марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганучи коммунистлар блан иш олиб боришдаги ҳархил бюрократларча бузишлар ҳали ҳам тугатилгани йўқ. Ба'зи партия органлари ҳархил кераксиз расмиятчиликларга берилиб кетиб, асосий масалага — лекция ва консультация ишларини чуқур ва мазмунли қилиб ташкил этишга етарли э'тибор бермаётирлар.

Партия ташкилотлари ўқув йилини тугаллашга тайёрланиб, партия маорифининг сифатини анча оширишга эришишни, формализм, қироатхонлик элементларини пропаганда ишлари практикасидан тамомила чиқариб ташлашни, ихтиёрийлик принципларининг бузилишларига ҳотима беришни, мамлакатнинг бундан кейинги тараққиётини та'минлашда партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни коммунистларнинг чуқур тушуниб олишларига кўмаклашишни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйишлари лозим.

Сиёсий мактабларда ва тўгаракларда якуловчи машғулотларни ўтказишда бу машғулотларнинг райкомлардаги пропаганда ва агитация бўлимлари томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларга қараб, район ташкилотларининг вакиллари олдида тингловчилардан олинадиган имтиҳонларга айлантириб юборилмаслигига э'тибор бериш керак. Бутун ўқиш йили давомида ўрганилган ҳамма темани машғулотларда муҳокама қилиб чиқиш илгари одат бўлиб қолган эди, энди бундай қилишнинг ҳожати йўқ. Пропагандист муҳокама қилинадиган энг муҳим ва мураккаб назарий масалаларни тингловчилар блан бирликда олдиндан белгилаб қўйиши мумкин. Бу эса тингловчиларнинг ўтилган материали яхшироқ ўзлаштириб олишларига ёрдам беради, партия ташкилотларига эса ўтган йилнинг тажрибасини ҳисобга олиб, шу асосда келгуси йилда сиёсий ўқувни тўғри ташкил қилиш имкониятини беради.

Марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганаётган коммунистларга келганда, улар учун ўзларини қизиқтираётган назарий ва сиёсий масалалар бўйича малакали лекциялар ва консультациялар ташкил қилиш жуда мақсадга мувофиқ иш бўлади. Тажриба шуни кўрсатдики, ўрганилган темалар — ёки асарлар бўйича якуловчи суҳбатлар деб аталган суҳбатлар ўтказиш усули ўзини оқламади.

Шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида активлар учун ташкил қилинган семинарларда ҳам махсус якуловчи машғулотлар ўтказишнинг ҳожати йўқ. Семинарнинг бундан кейин қандай ишлаши ва ундаги машғулотларнинг тематикасига доир ташкилий масалалар охирги суҳбатлашишда муҳокама қилиниши мумкин.

Партия кутубхоналарининг ходимлари ва партия комитетлари ҳузуридаги лекторлар группаси ўқиш йилини тугаллашда жиддий ёрдам кўрсатишлари лозим. Тўгараклар ва мактабларнинг пропагандистлари учун Коммунистик партия ва Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари бўйича лекциялар ва докладлар ташкил қилиш, энг яхши пропагандистларнинг тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш ишларини кенг авж олдириш керак.

Бизнинг матбуотимиз — газеталар ва пропаганда журналлари пропаганда ишларининг тажрибаларини умумлаштиришда партия ташкилотларига катта ёрдам кўрсатишлари мумкин ва лозим. Матбуотимиз партия маорифига раҳбарлик қилишдаги камчиликларни танқид қилиши, марксизм-ленинизм назариясининг энг муҳим масалаларига бағишлаб мазмунли мақолалар босиб чиқариши лозим.

Коммунистларнинг хилма-хил ғоявий-назарий талабларини ҳисобга олиб, янги ўқиш йилига тайёрланиш, пропагандистларни ўз вақтида танлаш, уларни қайтадан тайёрлаш партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидан биридир. Ёз давридан фойдаланиб, пропагандистларни ўқитиш, уларнинг назарий савиясини ва пропагандистлик маҳоратини ошириш керак. Марксизм-

Бахтли ҳаётимизни ва завқли меҳнатимизни куйлаймиз!



☆ ☆

ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ҚЎШИҚЛАР ЯРАТАИЛИК

Бугун серқуёш Ўзбекистонимизнинг меҳнаткашлари Ашула байрамини нишонламоқдалар. Қўшиқ совет халқининг энг севган жанрларидандир. Халқ қўшиқлари ва совет композиторларининг ашулалари концерт залларида, ишчи клубларида, колхоз далаларида жаранглаб янграмоқда. Қўшиқларимиз бизнинг ютуқларимизни акс этдиради, бизни Ватанимизда коммунизм қуриш ишида янгидан-янги ғалабаларга илҳомлантирмоқда.

Қўшиқ сан'ати — катта сан'ат. Халқимиз қўшиқчи композиторлар зиммасига юксак ва шарафли вазифа юклаган. Уларнинг ижоди совет халқининг кун сайин ўсиб бораётган ма'навий талабларини қондирмоғи ва уларга коммунизм қуриш ишида ёрдам бермоғи керак.

Совет композиторлари яратган жуда кўп ажойиб қўшиқлар халқимиз ўртасида машҳурдир. Новиков, Дунаевский, Соловьев-Седой, Макаров, Захаров каби совет композиторларининг номи Ватанимизнинг ҳамма бурчакларидаги ҳаммага таниш ва қадрдондир.

Совет композиторларининг қўшиқларида совет халқининг социалистик Ватани, тинчлик ишига бўлган муҳаббати ўз аксини топган. Уларда тинчлик учун, коммунизм қуриш учун курашга ва кўпмиллатли совет халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга чақириқ оҳанглари жарангламоқда.

Ўзбекистон композиторлари халқимиз ўртасида севиб эшитиладиган ва айтиладиган кўпгина қўшиқлар яратдилар. Левиев, Юдаков, Муҳамедов, Зокиров, Изомов ва бошқа ўзбек композиторларининг энг яхши қўшиқлари халқимиз ўртасида машҳурдир. Уларни ҳарбир бадиий ҳаваскорлик тўгарагида, мактабда, пионер лагерьларида ва одамлар тўпланадиган бошқа жойларда эшитиш мумкин. Рус классик ва совет музика сан'атининг самарали та'сири остида ўсиб бораётган ўзбек музика маданияти, жумладан қўшиқ жанри қўповозлилик йўлидан ривожланмоқда. Бу йўл Ўзбекистонда хор маданиятининг ривожланишига катта ёрдам беради.

Шу блан бирга Ўзбекистон композиторларининг халқ олдида катта қарздор эканликларини ҳам айтиб ўтиш керак. Улар халқимиз талаб қилаётган даражада гоявий ва бадиий жиҳатдан юксак саниядаги қўшиқларни кам яратдилар. Ўзбекистонда қўшиқ жанрини ривожлантириш масалалари композиторларнинг диқкат марказида бўлмоғи лозим. Улар ўз бадиий маҳоратларини тобора ошириб боришлари ва янги қўшиқлар яратиш устида қунт блан ишлашлари зарур.

Бу йил ўтказилаётган Ашула байрами ўтган йилдагидан кенг масштабда нишонланмоқда. Областьда жуда кўп янги бадиий ҳаваскорлик коллективлари ташкил этилди. Улар малакали раҳбарларнинг мунтазам равишда ўтказаётган машғулотлари натижасида қатор ижодий ютуқларга эришдилар. Тошкентда бўлиб ўтаётган Ашула байрамида шаҳардаги ҳамма районларнинг 500 га яқин бадиий ҳаваскорлик коллективлари, шунингдек мактаблар ва ФЗТларнинг хор, рақс, драма тўгаракларидаги қатнашмоқда. Ба'зи хор коллективларидаги қатнашчиларнинг сони ўтган йилдагига нисбатан анча ошган. Ўзбекистонда бу йилги Ашула байрамида 2 мингдан ортиқ коллектив иштирок этмоқда. Уларнинг программаларида совет композиторларининг қўшиқлари, халқ рақслари ва ашулалари бор. Ўтган йилдаги Ашула байрамига нисбатан бу йили уларнинг репертуари кенг ва ранг-барангдир. Совет Иттифоқи халқлари зўр қувонч блан нишонлаётган Украинанинг Россияга қайта қўшилишининг 300 йиллиги бу бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида ва хор, рақс коллективларида программаларида ўз аксини топган.

Шу нарса қувончлики, Ўзбекистонда Ашула байрами традиция тусига кириб қолди. Ашула байрамига тайёргарликнинг борищи натижалари бу традицияни бундан кейин ҳам мустаҳкамлаш мумкин деган хулосага олиб келади. Ҳар йили ўтказилаётган Ашула байрами ўзбек халқи музика маданиятининг тинмай ўсиб бораётганлиги ва халқ орасида кенг илдиз отаётганлигининг ёрқин намойишидир.

Биз музика маданиятининг ривожланишида бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг мунтазам ишлаши катта роль ўйнашини унутмаслигимиз керак. Бу соҳадаги ишимизда штурмчилик ва кампаниябозликка тамоман барҳам бериб, мунтазам ва планли иш олиб боришимиз лозим. Келгуси йил бўладиган Ашула байрамига тайёргарликни бу йилги Ашула байрами ўтказилиши блан оқ бошла'ш зарур, чунки сан'атдаги ҳарбир муваффақият қунт блан ва мунтазам равишда ишлаш натижасидагина қўлга киритилиши мумкин. Қўшиқларни пропаганда қилишда радио катта роль ўйнайди. Классик ва совет композиторларининг энг яхши қўшиқларини оммаонинг ма'навий бойлигига айлантириш совет радиосининг шарафли бурчларидан биридир.

Ўзбек композиторлари ва шоирлари шаклан миллий, мазмунан социалистик сан'атимизнинг ажралмас бир қисми — қўшиқ жанрини ривожлантиришга ўз кучларини, қобилият ва билимларини аямайдилар. Коммунистик партиямиз, Совет ҳукуматимиз ва бутун совет халқи биздан мана шуни талаб қилмоқда.

Ҳаётимиз кун сайин яшнамоқда, фаровон бўлиб бормоқда. Халқимиз тинч қурилиш фронтида фидокорона меҳнат қилмоқда. Бугун ўтаётган Ашула байрами совет кишиларининг порлоқ келажакларига, ғалабасига бўлган буюк ишончларининг ёрқин намойиши бўлади.

Мухтор АШРАФИЙ,

Ашула байрами бош дирижёри, СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, профессор.

Тошкентда Ашула байрами. **Суратда:** СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, профессор **Мухтор Ашрафий** Ашула байрами қатнашчилари блан «Динамо» стадионида репетиция қилмоқда.
В. Салов фотоси.

Миннатдорчилик туйғулари

Бугун республикамизнинг меҳнаткашлари блан бирга заводимиз коллективи ҳам ашула байрамини нишонлайди. Ашула, қувноқ ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлагига айланиб, фаровон ҳаёт кечираётган совет кишиларининг юрак ҳисларини, қувончларини ифода қилади. Ашула бахтли совет кишиларини меҳнат фронтида фидокорлик кўрсатишларига ма'навий ёрдам беради.

Ашула байрамида, меҳнаткашлар бахтли ҳаёт ва ижодий меҳнатнинг тараннум қилучи совет музика маданиятининг ғалабаларини намойиш қиладилар.

Заводимизда ташкил қилинган хор тўгараги қисқа вақт ичида бирмунча ижодий ишлар қилди. Тошкент Давлат консерваторияси томонидан биркитилган ўртоқ О. Богуславская тўгарак ишини жонлантириб, бизга ижодий ёрдам бермоқда. Завод раҳбарлари Ашула байрамига тайёрланишда тўгарак а'золарига ҳамма шароитларни яратиб бердилар. Хор тўгарагининг а'золари қаторида мен ҳам Ашула байрамини пухта тайёргарлик блан қутиб олдим, янги-янги совет оммавий қўшиқларини ўргандим. Ашула байрами жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизга бўлган чуқур миннатдорчилигимизнинг ёрқин намойиши бўлади.

Зокир ҲАЛИЛОВ.

Ильич номли заводнинг слесари.

Бахтли ҳаётимизни куйлаймиз

Бугун республикамизнинг барча меҳнаткашлари блан бирга биз Совет ўқучилари ҳам қувноқ ҳаёт ва бахтли ёшлигимиз қўшиқларини куйлаймиз.

Мактабимиздаги хор ва бадиий тўгаракларда Ашула байрамини муносиб тайёргарлик блан қутиб олдилар. 1952—1953 ўқув йилида бадиий ҳаваскорлик тўгарагига 80 ўқучи қиз қатнашган эди. Бу йил эса ҳаваскорлик тўгарагида 103 ўқучи иштирок этмоқда. Тўгарак а'золари П. Н. Ахсафуров раҳбарлигида «Совет Иттифоқи Гимни», «Ўзбекистон ССР Давлат Гимни», шунингдек Ватан, партия, тинчлик ва дўстлик ҳақидаги қўшиқларни пухта ўрганиб олдилар.

Мен мактабимизда ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгарагида икки йилдан бери қатнашиб келмоқдаман.

Островский номли пионерлар саройидаги хореографик тўгараги менинг ижодий ўсишимга катта ёрдам берди. Мен 5 йилдан буён тўгаракнинг доимий а'зоси бўлиб келмоқдаман. Хореографик тўгаракнинг раҳбари А. Арутюнова, СССР халқлари рақсларини мустақил ижро этишда менга катта ёрдам кўрсатди. Биз Свердлов номли концерт залида, Ҳамза театри ва Навоий номли опера ва балет театри саҳналарида концертлар қўйиб бердик. Тўгаракда актив иштирок этганлигим ва номерларни муваффақиятли ижро этганлигим учун мени бошқа ўртоқларим блан бирга жонажон Ватанимизнинг пойтахти Москва, Сталинобод ва Фарғона шаҳарларига юбордилар. Биз бу ерларда меҳнаткашларга ўзбек сан'ати янгиликларини намойиш қилиб кўрсатдик.

Ҳаваскорлик тўгаракларида актив қатнашганлигим учун ташаккурнома ва рахмат қоғозлари блан тақдирландим.

Ҳозирги вақтда мен мактаб пионерлар советининг а'зоси бўлиб ишлайман. Ҳаваскорлик тўгаракларига мактаб қизларини жалб қилиш ва уларга русча, украинча, ўзбекча ва уйғурча рақсларни ўрганишда ёрдам бермоқдаман.

Бугун ўтаётган Ашула байрамида мен ҳам қатнашаман, мингларча совет кишилари блан бирга ликда қувноқ қўшиқларни, ажойиб халқ рақсларини ижро этишда қатнашаман.

Биз Совет ўғил ва қизлари ўз қўшиқларимизда бахтли ёшлигимиз учун жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизга ташаккур айтамиз.

ЛА'ЛИ СОАТОВА.

Киров район. Оржоникидзе номли қизлар ўрта мактабининг 7-нчи синф ўқучиси.

Чирчиқда Ашула байрами

Социалистик Чирчиқ шаҳрининг ёш сан'атчи ҳаваскорлари Ашула байрамига қизғин тайёргарлик кўрдилар. Бугун «Химик» стадионида ўтказиладиган Ашула байрамига шаҳардаги 3 мингдан ортиқ ҳаваскор қатнашади. Бу йил ҳаваскорлар сони ўтган йилга қараганда бирярим баравар ошди.

Шаҳар ҳаваскорлари СССР Олий Советига ўтказилган сайлов арафасида сайловчиларга 100 дан ортиқ концерт қўйиб бердилар. Бу соҳада 13-нчи ҳунар мактаби, Чирчиқ ГЭС каскадининг бадиий ҳаваскор сан'атчилари мақташга муносиб иш қилдилар. Улар русча, ўзбекча, украинча халқ ашула ва рақсларини усталик блан ижро этиб тамошабиларнинг ҳурматига сазовор бўлдилар.

Ашула байрамига тайёргарлик кўриш даврида саноат корхоналари, муассаса ва шаҳар мактабларининг кўпчилигида янгидан хор тўгаракларида, драма ва рақс тўгаракларида ташкил этилди. Сталин номли электрохимия комбинатидан Ашула байрамига 750, 8-нчи ўрта мактабдан 300, Чирчиқ ГЭС каскадидан 100 ва бошқа саноат корхоналари ҳамда ўқув юртларидан мингларча ҳаваскорлар қатнашадилар.

Шаҳар сан'атчиларининг хор коллективи Ашула байрами арафасида «Совет Иттифоқи Гимни», «Жаҳон демократик ёшлар Гимни», «Партия — етакчимиз», «Москва — Пекин», шунингдек русча ва ўзбекча ашулаларни ўргандилар. Чирчиқ ГЭС каскадининг ҳаваскорлари Каминский ва Ципленков ўртоқлар раҳбарлигида янги ашулаларни пухта ўрганиб олдилар. «Чирчиксельмаш» заводида ҳам Ашула байрамига муносиб тайёргарлик кўрилди. Бадиий раҳбар ўртоқ Гутовский ҳаваскорлар блан машғулотлар ўтказишга катта аҳамият берди. Завод ҳаваскорлари корхона ишчиларининг дам олиш пайтларида тўгаракда ўрганилган ашулаларини айтиб бермоқдалар.

Димитров номли 2-нчи еттийиллик мактаб ҳаваскорлар тўгарагининг раҳбари ўртоқ Баранова ҳаваскорларга «Москва — Пекин», «Ўзбекистон ССР Давлат Гимни», «Лолахон» каби ашулаларни муваффақият блан ўргатди. Мактабнинг Зулайхо Мўминова, Насиба Йўлдошева, Маҳсума Сулаймонова, Лутфи Рўзибоева каби ўқучилари хор коллективининг актив иштирокчиларидир. Муҳимий номли музика мактабининг ўқитучи ва ўқучилари ҳам Ашула байрамига янги ашула ва ноталарни пухта ўрганган ҳолда келдилар.

Булардан ташқари «Промкомбинат» артели, тикучилик, пойафзал фабрикалари, «Средазҳиммаш» заводи, химия-механика ва гидротехникумлар ҳамда шаҳарнинг барча мактабларидаги сан'атчи ҳаваскорлар ҳам Ашула байрамига яхши тайёргарлик кўрдилар. Айниқса тикучилик фабрикасида Ашула байрамига қатнашадиган 100 га яқин ҳаваскор намунали тайёргарлик кўрди. Илғор тикучи ҳаваскорлардан Хакима Қозоқбоева, Клава Мельникова, Шодия Исаевалар программада белгиланган ашулаларнинг ҳаммасини ўрганиб олдилар.

Чирчиқ бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг коллективлари бугун ўз бадиий маҳоратларини намойиш қиладилар, Ашула байрамини зўр активлик ва уюшқоқлик блан ўтказадилар.

А. РОСИНСКИЙ,

Меҳнаткашлар Депутатлари Чирчиқ шаҳар Совет ижроия комитети раисининг ўринбосари, Ашула байрами ни ўтказучи шаҳар комиссиясининг раиси.

Ёш ҳаваскорлар қувончи

Оҳангарон районидаги барча мактабларда Ашула байрами қизғин тайёргарлик ва зўр қувонч блан қутиб олинди.

Район марказидаги Навоий номли ўрта мактаб ўқучилари Зикрилла Қорахўжаев бошчилигида «Совет Иттифоқи Гимни», «Жаҳон демократик ёшлар Гимни», «Партия — етакчимиз» ашулаларини ўргандилар. Мактабдаги хор тўгарагига юқори синф ўқучиларидан 60 киши қатнашмоқда. Райондаги Сталин номли 3-нчи ўрта мактабда 40 кишидан иборат хор тўгарагига ёш ўқитучи Мухтор Тошматов раҳбарлик қилмоқда. Тўгарак а'золари бирнеча яхши қўшиқларни ўргандилар. Шунингдек, мактаб драма тўгараги а'золари Ашула байрамида кўрсатиш учун драматург Туйғуннинг «Одилнинг айби очилди» номли пьесасини тайёрладилар. Пьесада ўқучилардан О. Мерганов, Т. Қўчқоров ва У. Ҳидиров ўз рольларини яхши бажармоқдалар.

Оҳангарон мактабларида янги қўшиқларни зўр муваффақият блан ўрганаётган 600 дан ортиқ ёш ҳаваскор бугун Ашула байрамига қатнашади.

М. ҚАЮМОВ.

Областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида

Шу кунларда областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида хор коллективларининг қувноқ ашулалари янграмоқда. Ясанган, хушчақ-чақ ёшлар, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг қатнашчилари, халқимизнинг традицион баҳорги байрами — Ашула байрамига актив қатнашмоқдалар. Чирчиқ ва Сирдар'ё бўйларида, Мирзачўл далаларида, Оҳангарон ва шахтёрлар шаҳрида, шунингдек областимизнинг бошқа кўркам ва обод жойларида минг-минглаб халқ талантлари кенг меҳнаткашлар оммасига ўзларининг бадиий маҳоратларини кўрсатмоқдалар.

Тошкентнинг гўзал паркларида, Маданият саройларида хор коллективларининг район Ашула байрамлари ўтказилди. 14 ва 15 май кунлари Пушкин номли, Горький номли маданият ва истироҳат паркларида ва шаҳарнинг бошқа жойларида Ленин, Куйбишев, Фрунзе, Октябрь, Марказий ҳамда Москва ва бошқа районлар бўйича Ашула байрами ўтказилди. Байрамга бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг ижодий коллективлари қатнашдилар.

Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг қатнашчилари оммавий ашулаларни, шунингдек машҳур совет композиторларининг ва ўзбек композиторларининг янги асарларини зўр маҳорат блан ижро этдилар. Районларда ўтказилган Ашула байрами кунларида оммавий қўшиқлар блан бирга, янги музика асарлари ижро этилди, оммавий ўйинлар кўрсатилди.

Ўтказилган Ашула байрами кунларида Тошкент темир йўл транспорти инженерлари, Ўрта Осиё политехника институтлари ва бошқа олий ҳамда ўрта ўқув юртлари, И. В. Сталин номидаги тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш» ва бошқа корхоналарнинг бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг коллективлари ўзларининг Ашула байрамига махсус тайёрланган янги репертуарларини кўрсатдилар.

Ашула байрами кунларида шаҳар ҳаваскорларидан 20 мингдан ортиқ киши ўзларининг бадиий маҳоратларини намойиш қилдилар.

Хор маданиятини юксалтиришга кўпроқ э'тибор берайлик

Ҳар йили ўтказилаётган Ашула байрами вокал сан'атининг тараққиёти учун катта имкониятлар борлигини кўрсатмоқда. Ишчи, хизматчи, колхозчи ёшлар орасида ашула кенг тарқалмоқда. Республикамизда хор маданиятининг тараққий қилиши халқни музиканинг йирик мураккаб формалари бўлган — кантата, оратория, опера ва чолғули музикалардан — сюита, увертюра, симфония, симфоник поэма ва бошқаларни эшитиш ва буларни ўрганиш учун катта ёрдам беради.

Рус музика маданиятининг юксалишида кўп овозли хор катта роль ўйнаб келган. Бу хор маданиятининг ривожланиши узоқ тарихга эга. Ҳозирги совет хор маданияти ўз тараққиётида 1713 йилда ташкил қилинган Петербург капелласи меросидан самарали фойдаланиб келмоқда. Петербург хор коллективи ўзининг ижрочилик сан'ати блан кенг оммага танилган эди. Буюк рус композитори, рус классик музикасига асос солган М. И. Глинка, «Қудратли тўда» тўгарагига асос солучи М. А. Балакирев, шунингдек композиторлардан — Н. А. Римский-Корсаков, А. С. Аренскийлар бу капелланинг раҳбар ва арбоблари эдилар. Улар капелланинг ижрочилик сан'атини юқори кўтардилар. Ўзларининг энг яхши асарларини шу капеллага топшириб, бунинг яхши бажарилиши ва кенг оммалашувига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу капелла блан бир қаторда 1710 йилда Москвада ташкил топган Синод хори XIX асрнинг охири ва XX асрнинг дастлабки йилларида ижрочилик техникаси жиҳатидан анча ўсди. Синод хори машҳур рус композиторларидан С. П. Танеев, С. В. Рахманинов, М. М. Ипполитов-Иванов ва бошқаларнинг хор асарларини энг биринчи бўлиб ижро этган коллективдир.

Петербург капелласи ва Москва Синод хори ўзларининг тарихий вазифаларини бажардилар. Улар Россияда хор сан'атининг ривожланиши учун қулай замин тайёрладилар ва бунга мустаҳкамладилар. Ижро этиш сан'атини эгаллашлари блан бирга, машҳур хор дирижёрларини ҳам етиштирдилар. Петербург хор капелласи, шунингдек Москва Синод хори хор сан'атини ривожлантиришда фақат Россиядагина эмас, балки жаҳон сан'ати тараққиётига ҳам катта та'сир кўрсатди.

Рус реалистик музика сан'атининг юксалиши блан бирга, рус композиторларининг дирижёрлик сан'ати ҳам ривожланаборди. Россияда хор сан'атининг тез тараққий қилиши ва эшитучилар томонидан яхши қабул қилинишига асос бўлган сабаблардан бири — йиғилишларда, миллий байрамларда, оилавий ўтиришларда айтилган кўп овозли хорлар бўлди. Хор ишда, меҳнатда рус халқига ҳамоҳанг бирга, Турли маросимларда ҳам хор янгради.

Буюк Октябрь социалистик революцияси сан'атнинг ҳамма турларини, шу жумладан вокал маданиятини ҳам ривожлантириш учун катта имкониятлар яратиб берди. Айниқса хор маданиятининг тез ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Революциянинг дастлабки йилларидаёқ Петербург капелласи халқ хори академиясига айлантирилди. Шу даврдан бошлаб бу коллектива катта ижодий ўзгаришлар бўлиб, капелла тор рамкадаги ижрочилик функциясидан қутилди.

Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизда саноқсиз хор коллективлари бун'ёдга келди. Булар ичида Давлат рус ашула хорини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу коллектив 1943 йилда Улуғ Ватан урушининг қизғин пайтида СССР Давлат хори базасида ташкил этилди. Рус ашула хори вокал маданиятини халқ оммасига кенг тарқатишда, рус халқ ашулаларининг энг яхши намуналарини пропаганда қилишда катта роль ўйнамоқда. Бу коллективнинг репертуарида Глинка, Римский-Корсаков, Чайковский ва бошқа классик композиторларнинг ўлмас асарлари қаторида, совет композиторларидан — Александров, Захаров, Блантер, Новиков, Соловьев-Седой, Ковал ва бошқаларнинг энг яхши ашулалари ҳам бор.

Давлат рус ашула хори, энг яхши совет хор ансамбли бўлиб, вокаль-хор техникасини эгаллаган, мураккаб бадиий асарларни ижро этаолучи коллективга айланди. Бу рус ашула хоридан ташқари Пятницкий номидаги Давлат рус халқ ашула хори, А. Александров номидаги Совет Армияси ашула ва рақс ансамблининг хор коллективи, Воронеж колхозчилар хори ва бошқа хор коллективлари совет республикаларида хор маданиятининг тараққиёти учун асос бўлди. Украина, Грузия, Арманистон хор коллективлари бадиий ижрочилик жиҳатидан катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Александров номидаги Совет Армияси ашула ва рақс ансамблининг бун'ёдга келиши хор сан'ати тарихида катта воқиадир. Талантли хор дирижёри А. В. Александров раҳбарлигидаги бу ансамбль тез фурсат ичида мамлакатимизда, ҳатто бирқанча демократик мамлакатларда ҳам танилди. Бу ансамбль ижрочиликдаги моҳирлиги, эшитучиларга яқин, тушунарли бўлиши блан хор сан'атида янги бир этап очди. Коллективнинг ижобий фаолияти совет маданиятининг ўсишига жуда катта ҳисса қўшди. Кўп республикаларда, шу жумладан демократик давлатларнинг бирмунчаларида ҳам шу хилдаги ансамбльлар тузилабошланди.

Эстония, Латвия ва Литва республикаларида эса, кўп йиллардан бери традицион равишда ўтказиладиган Ашула байрамига юз минглаб ҳаваскор ашулачилар ва ҳаваскор хор коллективлари қатнашади. Сўнгги йилларда Совет Иттифоқининг бошқа республикаларида ҳам ўтказилиб традицион тус олаётган Ашула байрамига кенг меҳнаткашлар оммаси, ёшлар қатнашмоқдалар.

Улуғ рус халқининг хор маданиятида эришган муваффақиятларидан илҳомланиб республикамизда хор маданияти кун сайин яшнамоқда. Сўнгги йилларга қадар «ҳукмронлик» қилиб келган унисон музикамиз ўрнини кўп овозли музиканинг турли формалари эгалламоқда. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1951 йил 8 апрельда «Ўзбекистон ССР да музика сан'атининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари» деб чиқарган қарорида республикамизда кўп овозли хор маданиятини кенг ривожлантириш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Бу қарорнинг бажарилиши юзасидан 1952 йилда Ўзбекистон Давлат филармониясида хор коллективининг бир тури бўлган акапелла я'ни ҳеҳчандай чолғу асбобини жўрисиз ёлғиз ашулачилар коллективи томонидан айтиладиган хор группаси тузилди. Чолғу асбобларининг жўрисиз хорларни ижро этучи бундай коллектив янги музика асарларини ўрганиш орқали ўзларининг ижрочилик техникасини юксалтиради. Капелла ўзига хос вокаль оркестри бўлиб, бой вокаль тембрлари, я'ни ранг-баранг товушлари блан музика асарининг гоявий-бадиий образини яратади, уни бўртдириб гавдалантириб беради. Қисқа вақтда бу капелла кўп турли халқлар хорини тайёрлади. Булар ичида рус халқ ашулалари, рус ва Ғарбий Европа классик музикаси, шунингдек ўзбек, тожик, уйғур, қорақалпоқ халқ ашулалари блан бир қаторда совет композиторларининг асарлари блан ҳам ўз репертуарини бойитмоқда.

Ўзбек хор капелласи учун республикамиздаги айрим композиторлар зўр қизиқиш блан асарлар яратмоқдалар. Улар ўзбек халқ музика бойликларини қайта ишлаб, кўп овозли қилиб яратмоқдалар. Бу соҳада дастлабки муваффақиятли ишни талантли композитор Мутал Бурҳонов бошлаб берди. Бурҳонов ижод этган оригинал хорлар ҳам, қайта ишланган халқ куйлари ҳам ёқимли, сервақ бўлиши блан алоҳида аҳамиятга эгадир. Композитор Бурҳонов фақат ўзбек халқ музика бойликларини қайта ишлаш блан қаноатланиб қолмай, уйғур, тожик, қорақалпоқ халқ ашулаларига ҳам мурожаат қилган.

Шоир Уйғунинг «Бахтимиз партия» ширига композитор Бурҳонов оригинал хор яратди. Ше'рдаги мазмунни тўла акс этдириб композитор яхши музика яратаолган. Композитор ўзбек халқ ашулаларидаги интонация ва ритм бойликларидан жуда ўринли фойдаланган. Шунинг учун ҳам сўз ва музикалар ўзаро чамбар-час боғланиб бир мазмунни тўла ифода қилаолган. Бурҳонов қайта ишлаган ўзбек, уйғур, қорақалпоқ, тожик халқ ашулалари кўп овозли қилиниб, уларнинг бадиийлиги янада юксалтирилган. Бу ашулалар янада жозибадор, эшитучини завқлантиручи ҳолда қайта ишланган.

Халқ орасида айтилиб юрилган музика фольклори узоқ йиллар давомида ишланиб, силлиқланиб бойиб боради. Ўтмишдаги отоқли шоирлар, ёзучилар ва композиторлар халқ ижодиёти учун жуда юксак баҳо берган эдилар. Бу ўлмас қиймматбаҳо халқ бойликларидан энг яхшиларини, замонамизга жавоб берадиганларини танлаб олиб уларни қайта ишлашда ва бу орқали музика маданиятини, шу жумладан хор маданиятини ривожланишида композиторларимиз олдида катта вазифалар туради.

М. Бурҳонов яратган хор асарларида, халқ музикалари янада бадиийлаштирилиб, янги образлар яратилган. Замонавий уйғур ашулаларидан «Сайра», қорақалпоқча «Вибигул» шулар жумласидандир. Шунингдек ўзбек совет композиторларидан М. Левиев, С. Бобоев, С. Юдаков ва бошқалар капелла учун бирмунча асарлар яратдилар. Булардан ташқари композитор М. Ашрафий, Т. Содиқов, А. Муҳамедов, А. Козловский, В. Князев, Ф. Содиқов ва бошқалар яратган хорлар республикамизда кўп овозли музикаларнинг кенг тарқалиши ва юксалишида ўз бурчини қўймоқда.

Композитор С. Юдаковнинг «Мирзачўл» вокал-симфоник сюитасидаги айрим хорлар фақат профессионал хорлардагина эмас, кўпгина ҳаваскорлик хор тўгаракларида ҳам айтилмоқда. Республикамизда хор маданиятининг кенг тарқалиб юксалиб бориши — ўзбек совет музика маданиятининг ривожланишида катта имкониятлар яратмоқда.

Корхона, ўқув юртлари ҳатто колхозларда тузилаётган хор тўгаракларида ўзбек совет композиторлари томонидан яратилаётган оригинал ва қайта ишланган ўзбек халқ ашулалари блан ўз репертуарларини кун сайин бойитмоқдалар. Лекин бу тузилаётган хор тўгаракларда ҳали жуда оз. Борлари ҳам хор раҳбарлари блан етарли та'миланмаган. Хор коллективлари учун раҳбар кадрлар тайёрлаб беручи Тошкент давлат консерваториясининг дирижёр-хор кафедраси, республикамиздаги музика билим юртларининг фаолиятини қониқарлик деб бўлмайди. Бу ўқув юртларини битириб чиққан ёш кадрларнинг сони ҳаваскор хор коллективларини та'мин этаолмайди. Сўнгги беш йил ичида дирижёр-хор кафедрасини битириб чиққан ёш кадрлар орасида фақат биргина ўзбек студенти бор холос. Республика музика билим юртларидаги аҳвол бундан яхши эмас. Мавжуд ҳаваскор хор тўгаракларининг (айниқса ўзбек хор тўгаракларининг) фаолияти блан консерватория жуда кам қизиқади. Бундай коллективларга ижодий ёрдам бермайди. Ҳолбуки, бу кафедрада етарли даражада тажрибали мутахассислар бор. Консерваториянинг бу кафедраси учун студентлар тайёрлаб беручи музика билим юртларида ўзбек ёшлари жуда оз.

Айрим хор тўгаракларида ҳалига қадар янка овозда музика асарларини ижро этмоқдалар. Бу эса унисон музикани яна давом этдириш демакдир. Республикамизда энг яхши ҳаваскор хор коллективи бўлган Политехника институтидаги тўгарак репертуарида рус классик музикасининг асарлари, совет композиторларининг ашулалари ва турли миллатларнинг халқ қўшиқлари бор. Афсуски бу коллектив ўз ашулаларини фақат рус тилида ижро этади.

Бугун республикамизнинг ҳамма область, шаҳар ва районларида ўтказиладиган Ашула байрами, республикамизда кўповозли музика маданиятининг халқ ўртасида кенг тарқалиши ва музиканинг мураккаб турларини ўзлаштираолишимиз учун катта ижодий кўрик бўлади. Ҳаваскорлик хор тўгаракларининг Ашула байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда эришган муваффақиятларини мустаҳкамлаб, хор маданиятини янада юксалтирайлик.

И. АКБАРОВ.

ҲИНДИ-ХИТОЙДА ТИНЧЛИКНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгашида 1954 йил 14 майда В. М. МОЛОТОВ баёноти

Жаноб делегатлар!

Ҳинди-Хитой тўғрисидаги масала халқаро миқ'ёсда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунинг учун ҳам Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисидаги масала Франция, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Хитой Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва манфаатдор бошқа давлатлар ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгашида муҳокама қилинмоқда.

Буерда ба'зан масаланинг тарихига тўхталиб ўтмаслик, сиёсий проблемаларни бир чеккага чиқариб қўйиш, Ҳинди-Хитой масаласининг ҳарбий томони блан чекланиш ва шу сингари таклифларни илгари сурадилар. Агар биз шу йўлдан борганимизда Жанва кенгаши олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишда ҳеч-нарсага эришиолмаган бўлар эдик.

Франция ҳукумати ташаббус кўрсатиб бу масалани Жанва кенгашининг муҳокамасига қўйганлиги тасодифий бир ҳол эмас, албатта. Франция, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари ташқи ишлар министрларининг Ҳинди-Хитой масаласи блан ҳам шуғулланган ўтган йилги кенгашлари ижобий натижаларга олиб келмаганлиги ҳам бежиз эмас. Ана шу кенгашларда масаланинг моҳиятига э'тибор бермаслик ва умумий гапларни рўкач қилиб, Ҳинди-Хитой масаласидан э'тиборни четга тортишга уриниб кўрган эдилар. Аммо, Ҳинди-Хитойдаги уруш жуда чўзилиб кетмоқда. Франция ҳукумати мушкул аҳвол юз берганлиги натижасидагина бу масалани беш буюк давлат ва манфаатдор бошқа мамлакатларнинг вакиллари қатнашаётган Жанва кенгашининг муҳокамасига қўйди, деб ҳисоблаш мумкин.

I. ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҲИНДИ-ХИТОЙДАГИ УРУШ

Француз делегациясининг бошлиғи Бидо жаноблари Вьетнам тўғрисида гапирганида, Вьетнамда гражданлар уруши бўлмоқда, деди. Аммо, фактлар бошқа нарсани кўрсатади. Вьетнамда гражданлар уруши эмас, Вьетнам халқининг икки қисми ўртасидаги уруш эмас, балки бошқа хилдаги уруш давом этмоқда.

90 йил муқаддам Вьетнамгина эмас, балки бутун Ҳинди-Хитой Францияннинг мустамлакаси бўлиб қолган эди. Аммо, ўша пайтдан буён кўп сувлар оқди — бутун дун'ёда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар Осиёдаги ва шу жумладан Ҳинди-Хитойдаги аҳволга та'сир кўрсатмай қолаолмади.

Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи Фам Ван Донг буерда Ҳинди-Хитойдаги воқиаларнинг боришини асосли суратда баён қилиб берди. Бу воқиалар Ҳинди-Хитой халқларининг тараққиёт тарихида жуда муҳим аҳамиятга эгадир ва бу воқиалар Ҳинди-Хитойдаги ҳозирги сиёсий вазиятни асосан белгилаб берди. Бу воқиалар шуни исбот этадики, Ҳинди-Хитойда ва, аввало, Вьетнамда гражданлар уруши давом этмаётир; Франция учун бу уруш — мустамлакачилик урушидир, четэл мустамлака ҳукмронлигидан озод ва мустақил бўлиш учун курашаётган Ҳинди-Хитой халқлари учун бу уруш — миллий-озодлик урушидир.

1940 йилда Ҳинди-Хитойда франциялы мустамлакачилар ўрнига япон босқинчи мустамлакачилар келдилар. Ўша вақтда Ҳинди-Хитойда иш кўрган француз ма'мурлари янги мустамлакачилар блан ҳамкорлик қилабошладилар. Аммо, бу ҳамкорлик узоқ давом этмади. Антигитлерчилар коалициясининг муваффақиятлари натижасида герман фашизми тор-мор келтирилди, сўнгра эса, япон милитаризми енгилди. Антигитлерчилар коалициясининг ана шу муваффақиятлари блан бир қаторда Ҳинди-Хитойда миллий-озодлик ҳаракати кучайиб кетди.

Ана шу миллий-озодлик ҳаракатига Вьетнам мустақиллиги учун кураш союзи бошчилик қилди. Бу союз қисқача Вьетмин деб аталади. 1945 йилнинг ўрталарига келганда, Вьетнамнинг қуролли отрядлари мамлакат территориясининг апчагина қисмини озод қилдилар. Бунинг натижасида муваққат ҳукумат тузилди. 1945 йилнинг 2 сентябрида Ханой шаҳрида Вьетнам халқининг Миллий конгреси Вьетнам халқининг ҳамма таниган йўлбошчиси Хо Ши Мин бошчилигида мустақил Вьетнам Демократик Республикаси тузилганлигини э'лон қилди. Вьетнам халқининг ўз ҳуқуқлари ва миллий мустақиллиги учун курашда эришган галабаси натижасида 1946 йилнинг январь ойида бутун Вьетнам территориясида умумий сайлов ўтказилди. Ташқаридан ҳархил тўсиқлар бўлишига қарамай, бу сайловда сайловчиларнинг 90 проценти қатнашди. Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг роят кўпчилиги Вьетнам халқининг миллий мустақиллик ва озодликка бўлган ҳоҳиширодасини ифода этган Вьетмин кандидатлари учун овоз берди.

1946 йилнинг март ойида Миллат мажлиси чақирилди. Миллат мажлиси Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматини тузди. Хо Ши Мин республика президенти қилиб сайланди.

Умумий сайлов натижасида вужудга келтирилган ҳукумат Вьетнам Демократик Республикасининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга ва кенг демократик реформалар ўтказишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга киришди. Ана шу реформалардан кузатилган мақсад—аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилашдан ва узоқ давом этган четэл мустамлака ҳукмронлиги оқибатларини тугатишдан иборат эди.

Вьетнам Демократик Республикасининг ўз миллий мустақиллиги учун курашда эришган муваффақиятлари яна шу нарсада ўз ифодасини топдики, 1946 йил 8 ноябрьда республика Миллат мажлиси чинакам демократик конституцияни қабул қилди. Мамлакатда шундан кейин ўтказилган демократик реформалар натижасида ернинг ижара ҳақини камайтириш тўғрисида ва қара процентини камайтириш ҳақида қонунлар нашр этилдики, бу қонунлар Вьетнам шароитида жуда катта аҳамиятга эга эди. Бу қарорлар ажнабийлар хўжайинлиги натижасида оч ва қашшоқ ҳолатга тушиб қолган мамлакат аҳолиси кўпчилигининг моддий аҳволини яхшилаш имконини берди. Меҳнаткаш халқнинг ҳуқуқ ва манфаатларини акс этдирган қонунлар Ҳинди-Хитой тарихида биринчи марта жорий қилинди. Давлат ҳисобидан умумий мажбурий бошланғич та'лим принципи ҳам амалга оширилабошлади.

Буларнинг ҳаммаси Вьетнам Демократик Республикасидан иборат янги давлат вужудга келганлигини ва бу давлат мустақил яшаш ҳамда ўз халқининг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш йўлига ўтганлигини кўрсатади. Бу янги давлат ўз халқи томонидан, шунингдек бошқа мамлакатларнинг халқлари томонидан ва, биринчи галда, Вьетнам халқининг ғалабасини ўз ғалабаси деб ҳақли суратда ҳисоблаган Осиё халқлари томонидан актив қувватланиши керак эди ва ҳақиқатда шу равишда қувватланди.

Бао Дай ҳукуматига доир ба'зи фактларни ҳам эслатиб ўтиш фойдалидир. Вьетнам Демократик Республикасининг душманлари ҳозирги вақтда бу фактлар ҳақида индамай ўтишни афзал кўрадилар. Шу нарса фактки, 1945 йилнинг 25 августидаёқ, я'ни ҳокимият демократик ҳукумат қўлига ўтганидан бирнеча кун кейин, япон оккупантлари блан ҳамкорлик қилган Бао Дай тахтдан воз кечди ва тахтдан воз кечиш тўғрисидаги актда 20 йиллик подшолиги даврида Вьетнамга ҳеҳқандай фойда келтирмаганлигини айтди. Яна шу нарса ҳам фактки, Бао Дай тахтдан воз кечиш тўғрисидаги актида ҳокимият тепасига келган Вьетнам демократик ҳукуматининг таниш ва ҳалолиннг ҳамма табақаларини миллий бирликка ҳамда халқ томонидан вужудга келтирилган демократик ҳукуматни қўллаб-қувватлашга чақириш зарур, деган ҳулосага келди. Бу фактларни рад этиш мумкин эмас. Модомики, шундай экан, француз оккупацияси ма'мурлари томонидан вужудга келтирилган ҳозирги Бао Дай ҳукуматини Вьетнамнинг қонуний ҳукумати деб айтиш мумкинми? Фактлар шуни исбот этадики, Вьетнам Миллат мажлиси томонидан вужудга келтирилган ва ўша вақтда Франция томонидан танилган ҳамда ўз халқи орасида чуқур илдиз отган демократик ҳукумат Вьетнамнинг қонуний ҳукуматидир.

Агар биз, иккинчи жаҳон урўши тамом бўлиши муносабати блан Ҳиндо-Хитойда юз берган воқиалар тўғрисида, шунингдек Вьетнам демократик ҳукуматининг юксак обрўси ҳамда кенг та'сири нимага асосланганлиги тўғрисида ўзимизга ҳисоб беришни истар эканмиз, ана шу фактларни ва шунга ўхшаш фактларни унутиш ярамайди.

Франция ҳукумати ҳам ҳали яқиндагина буни э'тироф этган эди. Франция ҳукумати 1946 йил мобайнида Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати блан бирнеча битим тузди. Шу блан бирга, Вьетнамнинг янги ҳукумати Вьетнам халқининг ҳоҳишини ифода этучи бирдан-бир қонуний ҳукумат деб қаралди.

Масалан, 1946 йил 6 мартда тузилган Франция-Вьетнам «дастлабки битими»ни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу битим қуйидаги сўзлар блан бошланади:

«Бир томондан, Француз Республикаси ҳукумати номидан ваколат олган Франция олий комиссари делегати Сэнтени жаноблари, Француз Республикаси ма'мурларидан тегишли ваколат олган Франция олий комиссари адмирал д' Аржанлье;

Ва иккинчи томондан Вьетнам ҳукумаги номидан ваколат олган Вьетнам президенти Хо Ши Мин жаноблари ҳамда министрлар советининг махсус делегати Вю Хонг Хан жаноблари,

қуйидаги битимга келдилар:

1. Франция ҳукумати Вьетнам Республикасини ўз ҳукумати, ўз парламенти, ўз армияси ва ўз молияси бўлган ҳамда Ҳинди-Хитой федерациясига ва Француз Иттифоқига кирган эркин давлат деб танийди».

Бу битимда Франция-Вьетнам муносабатларини тартибга солучи бошқа моддалар ҳам бор.

Франция ҳукумати блан Вьетнам республикаси ҳукумати ўртасида тузилган ана шу битимда «мустамлака» деган сўз йўқ ва мустамлака режими ҳақида ҳеч-нарса айтилмайди. Бунинг аксича, мазкур ҳужжатда ҳаммадан олдин «Франция ҳукумати Вьетнам республикасини эркин давлат деб танийди» дейилади.

Шу нарса ҳам ма'лумки, «модус вивенди» номи блан машҳур бўлган ва Франция блан Вьетнам ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солган Франция-Вьетнам битимининг имзоланиши тўғрисида 1946 йил 14 сентябрьда «Франция Республикаси ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматларининг биргаликда чиқарган баёноти» э'лон қилинди. Бу битимни Франция ҳукумати номидан денгизнинг нар'ёғидаги территориялар ишлари министри Мариус Мутэ, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати номидан — ҳукумат раиси Хо Ши Мин имзолади.

Француз ма'мурлари Вьетнам блан тузилган ана шу битимларни имзолагаида бу битимларни бажаришни хаёлларига ҳам келтирмаганликлари ҳозир ҳаркимсага аёндир. Француз қўшинларининг Ҳинди-Хитойда ажнабий давлатнинг мустамлака ҳукмронлигини тиклацларини кўзда тутиб, бу қўшинларни Ҳинди-Хитой ярим ороли территориясига келтириш учун ана шу битимлардан фойдаланиш мўлжалланганлиги сабабли мазкур битимлар имзоланган бўлса керак.

Франция ҳукумати ана шу Франция-Вьетнам битимларига амал қилганида, Франция блан Вьетнам ўртасида ҳеч-қандай уруш келиб чиқмаган бўлар эди. Аммо, воқиалар бошқача ривожланди. Франция ҳукумати ана шу битимларни бузиб ва Вьетнамга қарши уруш бошлаб, 8 йилдан буён Ҳинди-Хитойда мустамлака урушини давом этдириб келмоқда.

Франциянинг ўзида бу урушнинг ҳеч-қандай обрўси йўқ. Бу урушнинг бошқа халқлар ўртасида обрўси йўқлиги устида гапириб ҳам турмаймиз. Бу уруш «разил уруш» номи блан ма'лум. Бу уруш француз халқига жуда катта бахтсизлик келтирди, французлардан кўп қурбон бериш ва кўп моддий кучларни сарфлашни талаб этди. Бунинг устига бу урушнинг муваффақиятсиз тамом бўлиши ва ҳеҳқандай истиқболга эга эмаслиги аёндир.

II. УРУШ ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЁКИ ТИНЧЛИКНИ ТИКЛАШ

Ҳинди-Хитой халқларининг миллий-озодлик кураши мисоли тарихий аҳамиятга эгадир. Бу кураш шуни кўрсатадики, мустамлака зулми остида бўлган халқ оммаси ўз миллий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун кўтарилаётган жойларда ҳозирги пайтда халқни эски турмуш йўлига буриб юбориш мумкин эмас, миллий ҳаракатни қурол кучи блан ва ҳарқандай эўравонлик чоралари ёрдами блан бостириш мумкин эмас.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида «мустамлака» деган сўзнинг йўқлиги, мустамлака режимлари танилмаганлиги бежиз эмас, БМТ Устави бу жиҳатдан Миллатлар Иттифоқининг Уставидан очиқдан-очиқ фарқ қилади. Миллатлар Иттифоқининг биринчи маҳон урушидан кейин қабул қилинган Уставида мустамлакалар, мандатли территориялар ва шу сингарилар тўғрисида сра уялмай гапирилган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида бу масалага бошқача қаралади. Бундан БМТ Устави мустамлака режимларини тугатиш тарафдори бўлди, деган ма'но келиб чиқмайди. Ма'лумки, мустамлака режимлари ана шу халқаро ташкилотнинг эгри йўллар блан қўллаб-қувватлаши орқасида ҳали ҳам давом этмоқда. Аммо, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Миллатлар Иттифоқидан фарқи шундаки, у, мустамлака режимларини бўлишини расмийлаштириш юзасидан мас'улиятни ўз зиммасига олмади ва бу нарса империализмнинг агрессив кучлари — герман фашизми ва япон милитаризми тор-мор келтирилганидан кейин халқаро муносабатларда вужудга келган аҳволни ма'лум даражада акс этдирди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлакалар тўғрисидаги масала ана шу уруш бошланишидан олдин қўйилганига қараганда бошқа тарзда қўйилди. Лекин шунга қарамай, ба'зи ҳукуматлар бу блан ҳисоблашишни истамадилар. Аммо, Ҳинди-Хитойдаги ва бошқа жойлардаги воқиаларнинг ривожланиши мустамлака ва қарам мамлакатлардаги миллий-озодлик ҳаракати орқага, даврини кечирибб бўлган мустамлакачилик тартибларига, мустамлакаларда ажнабийлар ҳукмронлигини сақлашга қайтиш учун зўр бериб уринаётганларни ҳам ўзи блан ҳисоблашишга мажбур этмоқда.

Буерда ҳозир бўлган Камбоджа ва Лаос вакиллари сўзлаб, ўз халқларига Франция ҳукумати томонидан берилган мустақиллик ва ҳуқуқлардан қаноат ҳосил қилганликларини айтдилар. Аммо, бу баёнотлар халқларнинг чин кайфиятларини қай даражада акс этдираётганлиги шубҳа туғдиради. Агар биз Кхмер ва Патет-Лао халқларининг душманга қаршилик кўрсатучи ҳукуматлари вакилларининг сўзларини эшитганимизда, бу тўғрида яхшироқ хабардор бўлар эдик. Ана шу ҳукуматлар вакилларининг сўзларини эшитиш учун ҳали ҳам фурсат бор.

Буерда Вьетнам баодайчилар ҳукуматининг вакили ҳам сўзлади. У, мазкур ҳукумат блан Франция ҳукумати ўртасида олиб борилаётган музокаралар Вьетнамнинг мустақиллиги ва ҳуқуқларини та'мин этиши керак, деди. Аммо, бу баёнотлар нимага асосланганлиги ҳеч-қайсимизга ма'лум эмас. Иккинчи томондан, Франция ҳукуматининг бу ҳукуматга ёрдам беришга қарамай, ана шу ҳукуматнинг компетенцияси Вьетнам территориясидир. Вьетнам халқининг ва унинг демократик ташкилотларининг қўллаб-қувватлашига таянучи Вьетнам демократик ҳукуматига келганда шуни айтиш керакки, бу ҳукуматнинг ўз халқининг демократик ҳуқуқлари ва миллий мустақиллиги учун қандай зўр фидокорлик блан кураш олиб бораётганлиги ҳаммага ма'лум.

Биз, Ҳинди-Хитойдаги ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлган кишиларнинг сўзларини эшитишимиз керак. Мен, масалан, Ҳиндистон бош министри Нерунинг яқинда қилган баёнотини эслатиб ўтаман. Неру 24 апрельда Ҳиндистон парламентида қуйидаги фикрни айтди:

«Ҳинди-Хитойдаги конфликт келиб чиқиши ва характери жиҳатидан мустамлакачиликка қаршилик кўрсатиш ҳаракатидир ва ана шундай қаршилик кўрсатишга традицион бўлиб қолган бостириш методи блан ва «бўлиб ол ва ҳукмрон лик қил» методи блан қарши кураш олиб бораётган ўлкаларга қарши қаратилган ҳаракатдир».

Яқинда Коломбода кенгаш бўлди. Бу кенгашда Ҳиндистон, Покистон, Индонезия, Бирма ва Цейлон бош министрлари қатнашдилар. Бу кенгаш тўғрисидаги сўнгги ахборотда айтилишича, Осиёдаги мазкур беш мамлакатнинг бош министрлари «Франция Ҳинди-Хитойга абадий тўла мустақиллик беражагини Жанва кенгашида ма'лум қилсин, деб таклиф этадилар».

Ҳатто АҚШ давлат секретари ҳам Ҳинди-Хитойга нисбатан бу мақсадларни кўзда тутиб, Франция ҳукуматининг Ҳинди-Хитой мустақиллигининг амалга оширишига ёрдам бериш мажбуриятлари тўғрисида Франция ҳукуматига яна ва яна ошкора эслатиб ўтишга мажбур бўлди. Масалан, давлат секретари ҳали яқиндагина, 7 майда радио орқали сўзлаган нутқида, «французлар Вьетнам, Лаос ва Камбоджага тўла мустақиллик бериш ниятида эканликларини янада реал йўлга қўйишлари керак» деди. Модомики, АҚШнинг давлат секретари ҳам Ҳинди-Хитой мамлакатларининг ҳозирги мустақиллиги реал мустақиллик эмаслигини очиқ изҳор қилаётган экан, буерда Вьетнам, Кхмер ва Патет-Лао халқларининг мустақиллиги ва демократик ҳуқуқлари тўғрисидаги масала гўё Франция томонидан қониқарли тарзда ҳал этилди ёки ҳал этилмоқда, деган гапларнинг қандай аҳамиятга эга бўлганлигини тушуниб олишимиз қийин эмас.

Биз буерда Бао Дай Вьетнам ҳукуматини ва вакиллари буерда қатнашаётган Камбоджа ҳамда Лаос ҳукуматларини Франциядан ташқари 34 давлат таниган, деган гапларни ҳам эштдик. Кенгашимиздаги ба'зи нутқларда ажнабий давлатларнинг бу ҳукуматларни таниганлиги муҳим эканлиги зўр бериб та'кидлаб ўтилади. Ҳолбуки, бу ҳукуматларни таниган давлатларнинг кўпчилиги америка давлатлари жумласига киради.

Аммо, Ҳинди-Хитойдаги мазкур уч давлат ҳозирги ма'мурларининг дипломатик ўй блан ана шундай танилиши сохасидаги ҳақиқий аҳволга диққат блан назар солиш керак. Бунда нима учундир муҳим бир факт тўғрисида индамай ўтадилар. Осиё мамлакатлари ана шу ҳукуматларни таниган давлатлар орасида деярлик йўқ экан. Ҳиндистон ҳам, Покистон ҳам, Индонезия ҳам, Бирма ҳам, ҳатто, Филиппин ҳам бу ҳукуматларни танишни истамадилар.

Хитой Халқ Республикасига келганда шуни айтиш керакки, Совет Иттифоқи ва бошқа бирқанча демократик давлатлар каби бу республика ҳам ана шу ҳукуматлар блан эмас, балки Вьетнам Демократик Республикаси блан дипломатия алоқаларини боғлади. Осиё мамлакатлари Ҳинди-Хитойдаги аҳволни бошқа кўп мамлакатлардан яхшироқ билиб, Ҳинди-Хитойдаги уч давлатнинг Франция томонидан қўллаб-қувватланаётган ҳукуматлари блан алоқа боғлашдан воз нечаётганликлари тасодифий бир ҳол эмас, албатта.

Шу муносабат блан Франция бош министри Ланьель жаноблариннг 1953 йил 27 октябрьда Франция Миллат мажлисида қилган баёноти э'тиборни жалб этади. У, Вьетнамдаги сиёсий аҳволга тўхталиб, бундай деди: «Вьетнамнинг ўзида Хо Ши Миннинг сиёсий обрўсига баравар келадиган ҳеҳқандай сиёсий куч йўқ». Бу сўзлар Франция ҳукуматининг ўзи қувватлаётган ва Ҳинди-Хитой халқларига ёт бўлган ва ёт бўлаётган ҳинди-хитой ма'мурларига қандай баҳо бераётганлигини яққол кўрсатади.

Ана шу гаплардан кейин масалани, Ҳинди-Хитойдаги миллий-озодлик ҳаракатининг муваффақиятлари гўё, «ташқаридан кўрсатилаётган та'сир» блан, масалан, Хитой Халқ Республикаси томонидан «кўрсатилаётган та'сир» блан қўлга киритилди, деб изоҳлашга уриниш нечоғлик ахмоқона бир иш эканлиги равшан бўлиб қолади. Очиқдан-очиқ барбод бўлган мустамлакачилик сиёсатини оқлаш йўлини қидираётган ва Ҳинди-Хитой халқларининг миллий онги ўсганлигини блан ҳисоблашмаётган кишиларгина шундай бема'ни даво қилаоладилар.

Лекин шунга қарамай, Ҳинди-Хитойдаги мустамлакачилик урушини бундан кейин ҳам давом этдириш тарафдорлари ҳали ҳам бор. Аммо, улар ҳам рўй берган аҳвол блан ҳисоблашиб, Ҳинди-Хитойда олиб борилаётган урушнинг оддий суратда давом этдирилиши Ҳинди-Хитой масаласини ҳал этишга сра ҳам ёрдам бераолмаслигини кўрмоқдалар. Бунинг натижасида улар Ҳинди-Хитойдаги уруш доирасини кенгайтириш планларини тузиб, ҳавфли йўлга ўтмоқдалар. Бу планлар Шарқи-Жанубий Осиё халқларига хавф туғдиради.

Шу муносабат блан Ҳинди-Хитойдаги уруш доирасини кенгайтириш ҳавфи ўсиб бораётганлиги тўғрисида индамай ўтиш мумкин эмас.

Халқлар Ҳинди-Хитойдаги урушга хотима берилишини тобора қаттиқ талаб этишлари блан Америка Қўшма Штатларидаги та'сирли доралар Ҳинди-Хитойдаги урушга АҚШнинг қурол ёрдами блан очиқдан-очиқ аралашуви зарурлиги тўғрисида баралла гапирмоқдалар. Бундай аралашув учун эндиликда хўжакўрсинга бўлса ҳам бирор баҳона топиш учун зўр бериб уринмоқдалар. Осиёда янги агрессив планларни амалга ошириш вақтида АҚШнинг мутлақо ажралиб якка қолмаслигига айниқса катта э'тибор берадилар.

Биз кейинги вақтда ана шу мақсадда АҚШ, Франция, Англия ва бошқа ба'зи давлатлар иштироки блан қандайдир блок уюштириш йўлида зўр бериб уринилаётганлигини кўриб турибмиз. Жанва кенгаши яқинлашиб борган сари бу хил уринишлар тобора кучайиб борди. Худди АҚШ давлат секретарининг ўзи Жанва кенгаши арафасида АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги урушга аралашувини кенгайтиришни зўр бериб ёқлаб чиқди. Бу гап яна битта «мудофаа бирлашмаси» тузиш тўғрисида гап бошланди, гарчи айни ҳолда гап асло АҚШни, Францияни, Англияни ёки бошқа бирор давлатни мудофаа қилиш ҳақида бормайди, албатта, балки Ҳинди-Хитой ва Шарқи-Жанубий Осиё халқларининг миллий озодлик ҳаракатига қарши кураш учун янги ҳарбий блок уюштириш ҳақида боради.

Янги агрессив блок тузиш муайян ҳарбий-стратегик мақсадларни кўзда тутганлигини ҳам пайқаб олиш қийин эмас. Янги агрессив блок тузилиши бу районда Америкаиинг янги ҳарбий базаларини тузиш демакдир. Мазкур блокни тузиш ва Американинг Ҳинди-Хитойдаги ишларга аралашувини кучайтириш планлари муносабати блан хавфсизликлари таҳдид остида қолаётган давлатлар бунга бефарқ қарайолмайдилар.

Мўлжалланаётган янги блокнинг тузилиши, шунингдек Американинг Ҳинди-Хитойдаги кучларга аралашуви Шарқи-Жанубий Осиёдаги халқларни ташқаридан бўлаётган қандайдир хавфдан ҳимоя қилмоқ учун даркор бўлиб қолди, дейдилар. Лекин бу мамлакатларнинг халқлари ва уларнинг миллий мустақиллиги учун қайси томондан чинакам хавф туғилаётганлиги ҳақидаги масалани четлаб ўтадилар. Қонуний равишда шундай савол туғилади: бу мамлакатларнинг халқлари, ма'лумки, ўзларини ҳимоя қилишни Қўшма Штатлардан сўрамаганлари ҳолда, ўзингни бу халқларнинг ҳимоячиси деб э'лон қилиш ўринлими, бу халқлар фақат бир нарсани — тинчликни, миллий мустақилликни ва озодликни истаётганлари ҳолда, ўзбошимчалик блан Шарқи-Жанубий Осиё халқларининг ҳимоячилигини ўзингга олиш ҳоҳаҳ қамтарсизлик эмасми?

Биласизки, ҳозирги вақтда ана шу янги агрессив блокни уюштириш ҳақида енг ичида иш олиб борилмоқда. Бу блок мустамлакачилик режимларини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган ва шунинг учун Осиёдаги урушни кенгайтиришга тайёр турган давлатларни бирлаштиришни мақсад қилиб қўйди.

Жанва кенгаши Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатиш вазифасини ҳал этиш ўрнига Шарқи-Жанубий Осиёда урушни кенгайтиришга интилинаётган бир пайтда бўлаётир. Америка Қўшма Штатларидаги та'сирли доралар эндиликда ишлаб чиқаётган, кейинги вақтда жуда кўп тилга олинаётган ва ёзилаётган янги агрессив планлар ана шунга олиб бормоқда.

Кейинги йилларда Америка Қўшма Штатлари Ҳинди-Хитойдаги воқиаларга борган сари кўпроқ тортилиб, бунда мустамлакачилик режимини қўллаб-қувватлаш позициясини ёқлаб келмоқда. Бунинг учун Қўшма Штатлар томонидан Францияга ва Ҳинди-Хитойда Франция блан боғлиқ бўлган ҳукуматларга кейинги бирнеча йил ичида кўрсатилган молия ёрдами ҳақидаги ма'лумотларни келтириб ўтиш кифоядир. Бу масала юзасидан кейинги йилларга тегишли ма'лумотлар шундай: 1952 — 1953 йилда — 314 миллион доллар, 1953—1954 йилда — бир миллиард доллардан ошиқ; бу Ҳинди-Хитойдаги урушга қилинган ҳамма харажатларнинг таҳминан бешдан тўрт қисмини ташкил қилади. 1954—1955 молия йилида 1.133 миллион доллар миқдорида маблағ ажратиш планлаштирилган. Ахир, шу нарса ма'лумки, пул тўланган киши музика ҳам заказ қилади.

АҚШ ўсиб бораётган мана шундай катта маблағларни асосан Ҳинди-Хитойда олиб борилаётган мустамлака уруши учун ажратди. Ҳозирги вақтда гап АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги мустамлака урушига тўғридан-тўғри аралашаётганлиги ҳақида боради.

Эндиликда қурол-яроғ, ҳарбий материаллар етказиб бериш, ҳарбий маслаҳатчилар, инструкторлар, мутахассислар жўнатиш ва бошқа шу каби йўллар блан Американинг Ҳинди-Хитойдаги ишларга аралашуви борган сари кучаймоқда. Мана бу нарса Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш йўлида турган асосий ғовдир. Бундан ташқари, бу хил аралашиш Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳарақатларининг миқ'ёсларини бундан келиб чиқадиган ҳамма оқибатлари блан кенгайтиришга олиб боради.

Бу аралашиш АҚШнинг Ҳинди-Хитойда айнан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилаётганлигини ҳам кўрсатади. Бу соҳада бир мамлакатнинг мустамлака ҳукмронлигини блан алмаштириш учун анча нарсалар қилинган.

Бундан ташқари, АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги ишларга аралашуви ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун курашаётган Ҳинди-Хитой халқларини Осиёдаги бошқа халқлар блан уруштиришга ва Осиё халқларининг ўзаро тўқнашувидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга интилинаётганлигини кўрсатади.

Мана буларнинг ҳаммаси шу нарсани кўрсатадики, Шарқда янги жаҳон урушига зўр бериб тайёргарлик кўрилмоқда.

АҚШ давлат секретари Американинг Узоқ Шарқдаги ана шу планларининг аҳамиятини изоҳлаб, шу йил 13 январьда бундай деган эди:

«Қўшма Штатларнинг бу райондаги манфаатлари, стратегик нуқтаи назардан, сохил бўйидаги ороллар тизмаси блан жуда маҳкам боғлангандир. Соҳил бўйидаги бу ороллар тизмаси аслда иккита қит'а базасига эга. Шимолда — қит'адаги Корея, жанубда, бизнинг ишонувимизча, — Ҳинди-Хитойдадир. Булар ўртасида орорларнинг ўзи — Япония, Рюкю, шу жумладан, Окинава, Формоза, Филиппин, Австралия ва Янги Зеландия жойлашган. Қўшма Штатлар хавфсизликни та'минлаш ҳақида бу районларнинг ҳар бири блан у ёки бу шаклда, ба'зи ҳолларда расмийлаштирилмаган, лекин ҳар ҳолда жуда реал ва жуда ҳақиқий равишда келишган».

АҚШ давлат секретарининг бу баёнотидан кўриниб турибдики, АҚШнинг стратегик планлари блан машғул бўлаётган кишиларни Ҳинди-Хитой халқларининг ёки бу райондаги бошқа халқларнинг ҳуқуқлари ҳамда тақдири сра қизиқтирмайди. Иккинчи томондан, шу нарса ҳам кўриниб турибдики, Американинг бу ердаги урушни кенгайтиришни тайёрлаётган бу планлари ана шу жуда кенг райондаги барча халқларнинг тинч ривожланиши учун жиддий хавф туғдиради. Қўшма Штатлар ўз планларини амалга ошириш манфаатларини кўзлаб, у ёки бу давлатларнинг иштироки блан ҳарбий блок тузаоладиларми — йўқми бу ҳали равшан эмас, лекин бу планлар Осиёда мустамлакачилик режимларини ҳарқандай воситалар блан сақлашга интилишни очиқ-ойдин ўз ичига олади.

Жанва кенгаши Шарқи-Жанубий Осиёда урушни кенгайтиришга қаратилган бу агрессив планларга қаршилик кўрсатиш вазифасини бажариши керак. Бунинг учун Жанва кенгашига катта мас'улият юклатилган. Бу планларга қат'ият блан қаршилик кўрсатишгина Жанва кенгашининг вазифаларига жавоб беради. Жанва кенгашининг мақсади Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклашдан иборат ва тинчликни тиклашдан иборат бўлиб қолади.

III. ҲИНДИ-ХИТОЙДА ТИНЧЛИКНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИ

Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклашда ёрдам бериш нимадан иборат?

Жанва кенгаши бу вазифани Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳарақатларининг тўхтатилишини, бундан Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳарақатларининг тезроқ тўхтатилишига эришмоғи ва, шу блан бирга, шундай битимга эришмоғи лозимки, бу битим Ҳинди-Хитой халқларининг ўз миллий мустақиллигини ва демократик ҳуқуқларини та'минлаш ҳақидаги қонуний талабларини қондириш имкониятини бериши керак.

Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи бу ерда Ҳинди-Хитой масаласини ҳал этиш учун асос бўладиган ва Ҳинди-Хитойда тинчликнинг тикланишини та'минлайоладиган таклифларни баён қилиб берди. Биз шу дамгача бу ерда мазкур таклифлар ҳақидаги асосли танқидни ҳам, бу таклифлардаги у ёки бу моддаларни қабул қилишга рози эканликлари ҳақидаги сўзларни ҳам эштмадик.

Совет делегациясининг фикрича, бу таклифларнинг моҳияти, агар уларнинг энг муҳим моддаларини ажратиб кўрсатсак, қуйидагилардан иборат:

1. Франция Вьетнамнинг, шунингдек Кхмер ва Патет-Лаонинг суверенитетини ва мустақиллигини танишни та'минлаши лозим.

Шу блан бирга ҳамма четэл қўшинларини Вьетнам, Кхмер ва Патет-Лао территориясидан томонлар ўртасида келишилган муддатларда олиб чиқиб кетиш ҳақида битимга келиниши лозим.

2. Вьетнамда, Кхмерда ва Патет-Лаода умумий эркин сайлов ўтказилиши лозим, бу сайлов натижасида шу давлатлардан ҳарбирида бирлашган демократик ҳукуматлар тузилади.

Бу сайлов ўтказилиши олдидан Вьетнам, Кхмер ва Патет-Лаода иккала томон вакилларининг консультатив конференциялари чақирилиши ва ватанпарвар партиялар, группалар ва жамоат ташкилотларининг эркин иш кўриши та'минланиши керак.

3. Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати, шунингдек Кхмер ва Патет-Лао ҳукуматлари бу давлатларнинг ихтиёрийлик принципига мувофиқ равишда Француз Иттифоқига кириши ҳақидаги масалани кўриб чиқишга тайёрликларини билдиришлари лозим.

Бундан ташқари, Вьетнам,Кхмер ва Патет-Лао ҳукуматлари бу давлатларда Франциянинг иқтисодий ва маданий манфаатлари мавжудлигини э'тироф қилишлари ҳамда тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирларининг манфаатларини назарга олиш принципларига мувофиқ равишда тегишли масалаларни ҳал этишлари лозим.

4. Юқорида кўрсатилган тадбирларни амалга оширишдан, шунингдек Вьетнам Демократик Республикаси проектида тилга олинган бошқа тадбирларни ўтказишдан илгари Вьетнамда уруш ҳарақатлари тўхтатилиши ва тегишли битимлар тузилиши, бу битимларга мувофиқ, Ҳинди-Хитойга ташқаридан янги ҳарбий қисмлар, ҳарқандай қурол ва ўқ-дорилар келтиришнинг тамомила тўхтатилиши лозим.

Ана шу мен санаб ўтган моддалардан ташқари, бошқа ба'зи масалалар юзасидан: ҳарбий асирларни алмаштири

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши

ЖАНВА, 14 май. (ТАСС махсус мухбири). Бугун В. М. Молотовнинг раислигида ташқи ишлар министрлари Жанва кенгашининг Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш масаласини муҳокама қилишга бағишланган навбатдаги мажлиси бўлди.

СССР делегациясининг бошлиғи В. М. Молотов Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш масаласи юзасидан баёнот берди. В. М. Молотов Ҳинди-Хитойда мустақил яшаш ва ўз халқининг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш йўлига ўтган Вьетнам Демократик Республикасининг барпо қилинишига олиб келган воқеаларнинг тарихий ривожланишини ёритиб берди ва Ҳинди-Хитойда уруш чиқишига олиб келган сабабларни анализ қилди. Молотов АҚШ та'сирли доираларининг Шарқи-Жанубий Осиёдаги урушни кенгайтиришга қаратилган агрессив планларини танқид қилди ва Вьетнам Демократик Республикаси делегацияси томонидан киритилган таклифлар Ҳинди-Хитой масаласини ҳал этиш учун асос бўлажагини ва бу таклифлар Ҳинди-Хитойда тинчликнинг тикланишини та'мин этаолажагини кўрсатди. Молотов ана шу таклифларга қўшилганлигини билдириб, уларга қўшимча киритди. Бу қўшимча уруш ҳаракатларини тўхтатиш шартларининг амалга оширилишини контроль қилиш масаласи юзасидан бир фикрга келишни енгиллаштиришга қаратилган. Шу билан бирга, Молотов Жанва кенгашининг Ҳинди-Хитойда тинчлик тикланишига чинакам ёрдам берадиган бошқа ҳамма таклифларни, шунингдек Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг бажарилишини кузатиб туриш учун кенгаш қатнашчиларининг гарантиялари тўғрисидаги француз таклифини ҳам қараб чиқишига ишонч билдирди.

Шундан кейин, Бидо сўзлади. Бидо ўз нутқининг бош қисмида Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш проблемасининг сиёсий томонига ва дун'ёнинг шу қисмида воқеаларнинг ривожланишига доир тарихий фактларга тўхталиб ўтишни истамганлигини яна та'кидлади. Бу билан Бидо Ҳинди-Хитой масаласининг моҳиятини об'ектив суратда анализ қилиш Франция делегациясининг Дидига ёқмаганлигини ва шу сабабдан, Франция делегацияси бундай анализдан бўйин товлаётганлигини яна бир марта кўрсатди.

Лекин шундай бўлса ҳам, Бидо француз делегацияси В. М. Молотовнинг баёнотини ўрганиб чиқиш ниятида эканлигини ва француз делегацияси Вьетнам Демократик Республикасининг вакили Фам Ван Донгнинг 10 майдаги мажлисда сўзлаган нутқини зўр э'тибор билан ўрганиб чиққанлигини айтди. Франция ташқи ишлар министри Бидо Фам Ван Донг баён қилган асосий позицияга — тинчлик, мустақиллик, бирлик ва демократия ҳақидаги фикрларга қўшилганлигини айтди. Аммо, Бидонинг шундан кейинги сўзлари унинг гаплари қуруқ декларация характерида эканлигини кўрсатди.

Бидо ҳақиқий фактларга хилоф бўлган гапларини, я'ни Кэмер ва Патет-Лаодаги миллий-озодлик ҳаракати гўё «ажнабийларнинг бостириб кириши»дан иборат эканлиги ҳақидаги ривоятларини яна takрорлади. Бидонинг нутқи яна аққол кўрсатганидек, фактларга хилоф бўлган бундай ривоятлар француз делегациясига Ҳинди-Хитойдаги уч давлат халқларининг миллий ҳуқуқларини таниш асосида бу давлатларнинг ҳаммасида тинчликни тиклаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш ва ҳал этишдан бўйин товлаш учун даркор бўлиб қолибди. Камбоджа проблемаси ва Лаос проблемаси, — деди Бидо, — «Вьетмин» ғарб мамлакатларининг делегациялари Вьетнам Демократик Республикасини шундай ном блан атайдилар) кучларини олиб чиқиб кетишдан иборат. Бу блан Бидо ўз делегацияси Кхмер ва Патет-Лаодаги халқозодлик қўшинларининг қуролсизланти. ришга эришишни ва Франция тузган ҳамда қўллаб-қувватланаётган режимлар. ни — халққа қарши қаратилган режимлар. ни ана шу ҳар икки давлатда жорий қилишни истаётганлигини яна бир марта та'кидлади. Бидо шундан кейин Франция, агар бу давлатларнинг ҳукуматлари (Бидо бу ўринда Лаос ва Камбоджа қўғирчоқ ҳукуматларини кўзда тутади) илтимос қилган тақдирда, ўз қўшинларини мазкур давлатлардан олиб чиқиб кетишга тайёрдир, деди.

Фам Ван Донгнинг таклифларига тўхталиб, Бидо баодайчилар давлатининг вакилларигина гўё Вьетнам номидан гапираолади, деди. Баодайчилар давлатининг «суверенитети ва мустақиллигини» Франция Вьетнамнинг бутун территориясида таниди, деди Бидо. Унинг бу баёноти мамлакат территориясининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи Вьетнам демократик ҳукуматининг раҳбарлиги остида иш кўраётганлиги ва бу ҳукумат Вьетнамдаги бутун халқнинг ҳоҳиш иродасини ифода этучи ҳукумат эканлиги каби рад этиб бўлмайдиган факт блан ҳисоблашишни сра истамаётганлигини кўрсатди.

Вьетнам Демократик Республикаси таклифларининг барча ажнабий қўшинларни Вьетнам территориясидан олиб чиқиб кетишни кўзда тутган иккинчи моддасига тўхталиб, Бидо бундай деди: «Франция ҳукумати Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклашни» француз қўшинларини Вьетнамдан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масалада «ўз зиммасига қандайдир мажбуриятлар олиш блан боғлиқ қилиб қўйиш ниятида эмас».

Бидо Вьетнамда маҳаллий комиссияларнинг назорати остида умумий эркин сайлов ўтказиш тўғрисидаги таклифга ҳам қўшилмади. Бидо француз делегацияси фақат халқаро контроль остидагина сайлов ўтказилишига розидир, деб Франциядаги та'сирли доиралар Вьетнам халқининг ўз ҳоҳишини эркин изҳор қилишидан қўрқаётганликларини кўрсатди.

Бидо ҳозирги вақтда сиёсий масалалар эмас балки ҳарбий масалаларгина ҳал этилиши лозим, деди.

Бидо Ҳинди-Хитойнинг бутун территориясида уруш ҳаракатларининг бир вақт ичида тўхтатилишига қарши чиқди ва урушни аста-секин тўхтатиш методини афзал кўрганлигини билдирди.

Уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимларнинг бажарилишини кузатиш юзасидан гарантиялар тўғрисидаги масалага тўхталиб, Бидо Жанва кенгашида қатнашаётган давлатлар ана шу битимларнинг бажарилишини кузатиб туриш гарантиясини та'минласинлар, деган таклифини яна қувватлади.

Бидо сўзининг охирида 12 майдаги мажлисда Иден томонидан қўйилган саволларга жавоб берди. Жумладан, Бидо сайловни кузатиш юзасидан тузиладиган ва Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг таклифларида кўзда тутилган маҳаллий комиссиялар ма'лум шартлар блан ташкил этилиши мумкин, деди. Аммо, Бидонинг сўзича, бу маҳаллий комиссиялар «халқаро комиссия»га бўйсуниши керак.

Мажлиснинг охирида Камбоджа вакили сўзлади. Камбоджа вакили қўғирчоқ Камбоджа режимининг Кхмер халқи номидан гапиришга ҳақи бор, деган бема'ни да'воларини takрорлади.

Раислик қилучи В. М. Молотов мажлисни ёпар экан, кенгаш қатнашчилари ўртасидаги келишувга мувофиқ, эртага мажлис бўлмайди, деди. 17 май, душанба куни тор доирада мажлис ўтказилади.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙНИНГ ИДЕН БЛАН СУҲБАТИ

ПЕКИН, 14 май. (ТАСС). Синьҳуа агентлигининг мухбири Жанва'дан билдиради:

Бугун эрталаб соат 10 да Жанва кенгашида қатнашаётган инглиз делегациясининг бошлиғи Англия ташқи ишлар министри Иден Жанва кенгашидаги Хитой делегациясининг бошлиғи Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай ҳузурида бўлган Чжоу Энь-лай блан Иден 30 минут суҳбат қилдилар.

ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗИ БИРЛИГИ УЧУН

ЛОНДОН, 14 май. (ТАСС). Англия машинасозларининг 900 минг а'зоси бўлган бирлашган касаба союзининг Блоэкпулда ҳар йили ўтказиладиган конференциясида 13 майда резолюция қабул қилинди. Бу резолюция Британия тредюнионлари конгрессини Жаҳон касаба союзлари федерацияси блан «Эркин касаба союзлар халқаро конфедерацияси» ўртасида кенгаш уюштириш мақсадида ўз та'сиридан фойдаланишга ва жаҳон касаба союз бирлигини та'минлаш учун ҳаракат қилишга чақиради. 8 овозга қарши 44 овоз блан қабул қилинган резолюцияда ўтказиладиган кенгашнинг мақсади — иқтисодий талабларнинг умумий программаси тўғрисида бир қарорга келишдан иборат бўлиши керак, дейилади.

Ярадорларни Диен-Биен-Фудан эвакуация қилиш

ПАРИЖ, 14 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Ханойдан қуйидагиларни билдиради: Француз қўмондонлиги ярадорларнинг 450 кишидан иборат биринчи группасини Диен-Биен-Фудан эвакуация қилиш бугун маҳаллий вақт блан соат 9 дан 30 минут ўтганида бошланади.

Ярадорлар геликоптерларда ва енгил самолётларда эвакуация қилинади.

МАРОКАШДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 14 май. (ТАСС). Француз матбуотининг хабарлари Касабланкадаги (Марокаш) аҳвол ҳали ҳам гоят жиддий эканлигини исбот этади. «Юманите» газетаси бундай деб ёзади: шаҳарда кўплаб қамоққа олиш давом этмоқда, шу блан бирга, маҳаллий аҳоли қаттиқ азоблanмоқда. Полиция «одамларни текшириш» баҳонаси блан неча юзлаб кишини қамоққа олди. Қамоққа олинган марокашлилар қаттиқ калтакланмоқда. Бунинг натижасида 17 киши ўлди.

«Марокашда қилинаётган жиноятлар, — деб ёзади «Юманите» газетаси, — француз мустамлака ма'мурларига ва ҳукуматга қарши айбномадир. Ана шу ма'мурлар ҳукуматнинг буйруғи блан шундай тадбирларни кўрмоқдалар. Ана шу жиноятлар бу мамлакатнинг аҳволини кун сайин ёмонлаштирмоқда. Мамлакат халқи яшаш ва мустақил бўлиш ҳуқуқини курашиб қўлга киритишга қарор берди».

«Юманите» газетасида Марокаш Коммунистик партиясининг ахбороти э'лон қилинди. Бу ахборотда француз мустамлака ма'мурларининг мамлакатда амалга ошираётган оммавий террор сиёсати фош қилинади.

ХАНОЙ РАЙОНИДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ЛОНДОН, 14 май. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Париждаги мухбири берган хабардан ма'лум бўлишича, ҳозирги вақтда Вьетнам Халқ армиясининг қисмлари Вьетнамнинг шимолий қисмидаги йирик шаҳар — Ханой районида актив жанг ҳаракатлари олиб бормоқдалар. Вьетнам ватанпарварлари французларнинг мустаҳкамланган постлари ва шаҳарларининг гарнизонларига атака қилмоқдалар ва Ханой блан йирик Хайфон портини боғлайдиган темир йўлга ҳужум қилмоқдалар. Мухбирнинг кўрсатиб ўтишича, Вьетнам қисмлари Ханой шаҳрига борган сари яқинлашиб келмоқдалар.

Мавжуд ма'лумотларга кўра, дейилади сўнгра хабарда, Ханой шаҳри аҳолиси ғайри-расмий равишда эвакуация қилинабошланган.

Польшада жосуслар группасининг тугатилиши

ВАРШАВА, 14 май. (ТАСС). Польша матбуот агентлиги қуйидагиларни билдиради: Польшадаги давлат хавфсизлик органлари яқинда мамлакат территориясида кўп тормоқларга эга бўлган жосуслик группасини тугатдилар. Инглиз разведка мактабларида тайёрланиб, кейинчалик Польша тупроғига ташланган жосуслар бу группага бошчилик қилганлар. Қамоққа олинганлар орасида Збигнев Каминский, Богдан Лихолат, Петр Хойсан, Владислав Нис, Евгениуш Пташник ва бошқалар бўлиб жам'и 25 киши бор. Улар жосуслар группасига а'зо бўлишда раклы кодалар, шифрлар, махсус фотоаппаратлар, жосуслик руҳида тайёрлаб қўйилган ма'лумотлар, ҳужжатларни қалбакилаштириш учун керакли асбоб комплектлари, кўп миқдорда сохта ҳужжат ва справкалар, шунингдек поляк ва четэл валюталари топилди. Жосуслик группасининг ба'зи а'золари илгари гестапода ишлаган агентлардир. Группа Польшанинг мудофаа қуввати, иқтисоди ва сиёсий ҳаётн тўғрисида жосуслик ма'лумотлари тўплашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Аденауэр ҳукумати жосуслари кўп марта квартира, транспорт воситалари, ердамчи ходимлар блан та'минлаган.

Аҳолининг юксак ҳуш'ёрлиги четэл марказлари кенгайтиришга интилган жосуслик группасининг жиноий ишларини тугатишга ёрдам берди.

Жаҳон шахмат мусобақасининг якунлари

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН МУСОБАҚАНИНГ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ЁПИЛИШИ

14 майда Москвада П. И. Чайковский номидаги Концерт залида совет гроссмейстерлари М. Ботвинник блан В. Смислов ўртасида жаҳон биринчилиги учун бўлган шахмат мусобақасининг тамом бўлишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Кечани мусобақани ўтказучи Ташкилий комитетнинг раиси Д. Постников очди. У мусобақанинг бош арбитри халқаро мастер К. Опоченскийга (Чехословакия) сўз берди.

К. Опоченский Халқаро шахмат федерациясининг шартларига мувофиқ, гроссмейстер М. Ботвинник шахмат бўйича чемпион номини сақлаб қолганлигини айтди.

Халқаро шахмат федерацияси номидан мусобақа қатнашчилари М. Ботвинник ва В. Смисловни федерациянинг вице-президенти А. Ильмакунас (Финляндия) табриклади. У, М. Ботвинникни жаҳон чемпиони номини сақлаб қолганлиги блан қутлади ва СССР Давлат гимни садолари остида унга ғалаба гулчамбарини кийгизди ҳамда шахмат бўйича жаҳон чемпиони олтин медалини топширди.

Сўнгра Совет Иттифоқи шахмат секциясининг раиси В. Виноградов, халқаро мастер Г. Голомбек (Англия), халқаро гроссмейстер Л. Сабо (Венгрия), Ҳиндистон шахматчиси Р. Сапре, шунингдек Б. Хўжа (Албания), Г. Клаус (Германия Демократик Республикаси), собиқ жаҳон чемпионининг қизи Каролина Эйве (Голландия) мусобақа қатнашчиларини табрикладилар.

Гулдурос қарсаклар блан кутиб олинган жаҳон чемпиони М. Ботвинник нутқ сўзлади. У, мусобақа ташкилотчиларига ва мусобақани зўр э'тибор блан кузатиб борган жуда кўп шахмат ҳаваскорларига ташаккур изҳор қилди. (ТАСС).

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ М. БОТВИННИК БЛАН СУҲБАТ

Шахмат бўйича Жаҳон биринчилиги учун совет гроссмейстерлари М. Ботвинник блан В. Смислов ўртасида икки ойча давом этган мусобақа тамом бўлди. Жаҳон чемпиони номини М. Ботвинник сақлаб қолди.

Жаҳон чемпиони гроссмейстер Михаил Ботвинник ТАСС мухбири блан қилган суҳбатида қуйидагиларни айтди:

Шахмат бўйича Жаҳон биринчилиги учун бўлган мусобақа мамлакатимизда зўр қизиқиш туғдирди. Бизнинг мамлакатимизда миллионларча кишилар шахматни жуда севадилар ва бўш вақтларини шахматга бағишлайдилар. Бу кишилардан кўпи юксак маҳоратга эришмоқда.

Калинин областидаги «Маяк коммунизма» колхозининг а'зоси, энг кучли колхоз шахматчиси Григорий Журавлев спорт мастеридир. Ленинградли 17 ёшли ўқучи, Бухарестдаги халқаро мусобақада муваффақият блан қатнашган Борис Спасскийга халқаро мастер номи берилди.

Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Кекса мастерлар ўрнига янгидан-янги исте'додли ёш шахматчилар етишиб чиқмоқда.

Эндигина тамом бўлган мусобақа ҳақида нима дейиш мумкин?

Мусобақанинг ижодий якунлари ҳақида гапириш учун ҳали вақт эрта. Бу мусобақадаги ўйинларни яқин фурсатда ёзадиган китобимда муфассал анализ қилиб бермоқчиман.

Лекин ҳозирдаёқ бир нарса равшан. Бу мусобақа кескин кураш вазиятида ўтди ва ҳар иккала қатнашчидан катта ижодий ғайрат талаб қилди.

Шеригим — гроссмейстер Василий Смислов жаҳон чемпиони номини олишга муносиб шахматчи эканлигини кўрсатди. У мусобақага яхши тайёрланди, зўр маҳорат блан ўйнади.

Мусобақада сўзсиз кўпгина жуда қизиқарли ва мазмунли ўйинлар бўлди. Менинг фикримча, Смисловнинг ғалабаси блан тамом бўлган тўққизинчи ўйинни ва менинг ғалабам блан тугаган ўниккинчи ўйинни энг яхши ўйинлар деб ҳисоблаш керак. Шу нарсани ҳам ўқтириб ўтиш керакки, мусобақанинг дуранг бўлиб тугаган ўнта ўйини ҳам «гроссмейстерларча» осойишта давом этган ўйинлар бўлмай, балки кескин кураш блан ўтган учрашувлар бўлди.

Мусобақанинг — 12:12 бўлиб тугаган оқибати ҳар иккала қатнашучи учун фахрлидир. Лекин келгусида ўз олдимга назария ва практика соҳасида маҳоратини юксалтириш вазифасини қўяман. Совет Иттифоқи чемпиони деган фахрли номни олиш учун курашиш ниятида мамлакатнинг навбатдаги шахмат мусобақасида қатнашмоқчиман.

Бу йил шаҳар ва қишлоқлардаги шахматчилар блан учрашиш мақсадида Совет Иттифоқи бўйича сафар қилиб айланиб чиқмоқчиман.

Тамом бўлган мусобақанинг халқаро аҳамияти даставвал шундан иборатки, бу мусобақа илғор совет шахмат маданиятининг обрўсини янада оширди.

Сўз охирида мамлакатимиздаги жуда кўп шахмат ҳаваскорларига ва четэл шахматчиларига бу мусобақани зўр қизиқиш блан кузатиб борганликлари учун ташаккур изҳор қилишни истайман. (ТАСС).

Тошкентда

Яқинда Ўзбекистон Совет Рассомлар Союзи биносида Ўзбекистон рассомлари ва ҳайкалтарошлари ишлаган асарларни сотиш учун бозор — виставка очилди. Унда юздан ортиқ тематик расмлар, этюдлар, турли портрет ва ҳайкаллар сотилмоқда.

Виставка — бозорда сотилаётган баҳорги мевалар ва гуллар, ўлканинг пейзажи ва пахта теримини, Ўзбекистон металлургия заводини тасвирловчи расмлар, Репининг «Бурлаклар» суратининг копияси, Шевченко, Павлов портретлари ва бошқа темаларда ишланган расм ҳамда ҳайкаллар бадиий ғўзаллиги блан харидор ва тамошабинлар диққатини ўзига тортмоқда.

Айниқса Ўзбекистон халқ рассомлари Ў. Тансиқбоевнинг тоғ пейзажи, О. Татевосяннинг гуллар натюрморти, В. Уфимцевнинг натюрморт ва бошқа расмлари юксак баҳоланмоқда.

СУРАТДА: харидорлар виставка каталогини кўрмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих музейида виставка

Яқинда ЎзССР Фанлар академиясида «КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорлари — СССРда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш программасидир» деган темада виставка очилди.

Виставкадаги иккита катта стендга партиямизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида чиқарган тарихий қарорларининг Ўзбекистонда амалга оширилаётганлигини ифодаловчи фото-ҳужжатлар, диаграммалар ва таблицалар қўйилган.

Булардан ташқари виставкага рассом Набиевнинг «Колхозда сиёсий машғулот» картинаси, хизмат кўрсатган сан'ат арбоби А. Н. Ивановнинг «Теримчи» скульптураси; шунингдек рассом, Авеконинг Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантирилишига бағишланган плакатлари ҳам қўйилган.

Тантанали кеча

Куйбишев районидаги Мичурин номли 112 ўрта мактабда Украинанинг Россияга қайта қўшилганига 300 йил тўлганига бағишланган бадиий кеча бўлди. 9-нчи синф ўқучиси Храмова Украина ҳақида доклад қилди. Кечанинг бадиий қисмида мактаб бадиий ҳаваскорлар тўгаради а'золари музика ўқитучиси А. Г. Артешьев раҳбарлигида «Қаҳрамон қизлар», «Партия бизнинг йўлбошчимиз», «Дўстлик Гимни» ашулаларини ижро этдилар.

10-нчи синф ўқучиси Мамлакат Мирниёзова ва тил-адабиёт ўқитучиси С. Яхши ўқларининг қардош украин халқига бағишланган ше'рларини ўқиб бердилар.

Кечада тўгарак а'золари ижро этган рус, ўзбек, украин ашула ва рақслари тамошабинларга жуда манзур бўлди.

Санитария постлари кўриги

Тошкент шаҳар Қизил Яримой жамияти мактабларда ташкил этилган «Санитария мудофаасига таёр бўл!» тўгараклари ва санитария постларининг ишларига кўрик ўтказди. Кўрикда 54 та санитария пости қатнашди. Кўрик комиссияси а'золари — Тошкент медицина институтининг врачлари Мухин, Магдиев, Михайлов, Аббасов, Молокоедов ўртоқлар мактаб санитария постларининг биринчи ёрдам бериш учун яхши тайёрлик кўрганликларини қайд қилдилар.

Тўгарак а'золарининг назарий билимларини текшириш ҳам яхши натижа берди. Ҳамма санитария постларида ГСО программасидаги материаллар тўла ўзлаштирилганлиги ма'лум бўлди. Айниқса ўртоқ Качановская бошлиқ бўлган Фрунзе районидаги 25-нчи мактаб санитария пости яхши иш олиб борган. Бу постга Тошкент шаҳар Қизил Яримой жамиятининг биринчи мукофоти топширилди. БГСО бўйича биринчи ўринни С. Аҳмедова бошлиқ Киров районидаги 20-нчи мактаб санитария пости олди. Санитария постлари мактабда санитария қоидаларига риоя қилишда ўқитучиларга ва медицина ходимларига яхши ёрдам бермоқда.

«Победа» боғида

«Победа» маданият ва истироҳат боғи шаҳар меҳнаткашларининг энг яхши дам оладиган жойидир.

Бу ерда Ўзбекистон Давлат филармониясининг солистлари тез-тез концерт бериб турадилар. Дам олучиларга қўғирчоқ театри коллективи ҳам яхши хизмат қилмоқда. Паркнинг лекция залида меҳнаткашларга ҳар куни турли темаларда лекциялар уюштирилади. Яқинда боғда «Коммунистик партиянинг совет кишилари тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги», «Матбуот — партиямизнинг энг ўткир ва радио Ватани» каби темаларда лекциялар ўтказилди.

Шунингдек, боғдаги шахмат-шашка базаси, қайиқ станцияси ҳам дам олучиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Шифохона кенгайтирилди

Октябрь районидаги 1-нчи шифохонада касалларга яхши хизмат кўрсатиш тадбирлари кўрилмоқда. Ички имкониятлар ҳисобига шифохона 27 хонага кенгайтирилди. Шифохона ҳузурида бод касалини даволайдиган махсус бўлим очилди ва учта ванна ўрнатилди.

Шунингдек, қон олиш, қон қуйиш пункти ҳам ташкил қилинди. Булар учун 10 та хона ажратилди. Шифохона ҳузурида янги ташкил қилинган биология лабораторияси ҳам даволанучиларга яхши хизмат қилмоқда.

СПОРТ

Республика биринчилиги учун шахмат мусобақаси

Тўртинчи ўйинда москвали Эстрин Муҳитдинов устидан, Равинский Грушевский устидан ғалаба қозонди. Мураккб 15 ўйинлардан кейин Мухин-Ватигин, Элбеков-Абдуллаев ва Надеждин-Кучмар ўйинлари дуранг бўлди. Шахзода-Баренбаум, Абдусаматов-Ҳожибеков, Кириллов-Перевозников ўртасидаги ўйинлар кечиктирилди.

Бешинчи ўйинда Ўзбекистон чемпионлари Батигин ва Грушевский ютқазилар. Жиддий курашлардан кейин Грушевский ғалаба қозонди. Абдуллаев-Шахзодага ютқазди. Кучмар-Кириллов ва Ҳожибеков-Надеждин ўйинлари дуранг бўлди. Биринчи разрядли ёш шахматчи Абдусаматов Равинскийга қарши жуда яхши ўйнади. Улар ўртасидаги ўйин Абдусаматовнинг қўли баланд ҳолда кечиктирилди. Баренбаум-Мухин, Муҳитдинов-Элбеков, Эстрин-Перевозников ўйинлари ҳам кечиктирилди.

Беш ўйиндан кейин 3,5 очкога эга бўлган Грушевский биринчи ўринда бормоқда.

Республика биринчилиги учун шашка мусобақаси

Бешинчи ўйинда турнирнинг энг ёш қатнашчиларидан Давидов ва Гуляевлар ўртасидаги учрашув жуда қизғин кураш. лар блан ўтди. Бунда Гуляев ғалаба қозонди. Канишчикер Борухов блан бўлган ўйинда ғалаба қозонадиган позицияга эга бўлган бўлса ҳам, озгина хатога йўл қўйди ва ўйин дуранг бўлди. Ёқубов, Кабаков устидан, Ютландов Дворкин устидан ғалаба қозонилар. Берштейн-Фомич, Полоусов-Кац ва Александров-Грязнов ўйинлари дуранг бўлди.

Олти имкониятдан 4,5 очко олган Канишчикер ва 5 имкониятдан 4 очко олган Александров олдинда бормоқда.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — ёзги бинода: 16/V да **Юрак сирлари**, 18/V да қишки бинода — **Юрак сирлари**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/V да Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган спектакль **Полтавали Наталка**, 17/V да **Муқимий**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кеч соат 8 гача), НАВОИЙ номли (кеч соат 6 гача), «ИСКРА», (кеч соат 9 гача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кун. дуз), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», СОБИР РАҲИМОВ номли — янги бадиий фильм **Сирли қурол**.

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Маскарад**.

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Константин Заслонов**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кечқурун **Умид йўли**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 10 да **Ёш Карузо**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ХИВА» ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли парк — **Сирли қурол**.

«9-НЧИ МАЙ» — **Ёш гвардия** (1-нчи серия).

ПУШКИН номли — **Маринанинг қисмати**.

СОБИР РАҲИМОВ номли — **Тракторчилар**.

«ИСКРА» — **Умид йўли**.

«УДАРНИК» — **Селпи тўй**.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — ҳужжатли фильм **Фан саройи**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
ТЕЗ КУНДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Ойбек романи бўйича
Т. Ҳўжаев инсценировкаси
ҚУТЛУҒ ҚОН
4 пардали драма.
Режиссёр — **Тўла Ҳўжаев**, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми — **Ҳамидулла Икромов**.

Ўзбек тилида чиқадиган
„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
ва рус тилида чиқадиган
„ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА"
ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
1954 йилнинг иккинчи ярми учун
обуна қабул қилинади
АЙРИМ КИШИЛАРДАН ОБУНА:
муассаса ва ташкилотлардаги обуна пунктларида, шунингдек «Союзпечать»нинг шаҳар бўлимида (Карл Маркс кўчаси, 25-нчи уй), Бош почтамтда (Крилов кўчаси, 4-нчи уй) ва Тошкент шаҳрининг почта бўлимларида қабул қилинади.
Тошкент областининг ҳамма шаҳар ва районларида обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, шунингдек корхоналар, қурилишлар, ўқув юртлари ва муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.
«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриёти.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.
Р 01735 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1334.